ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ.
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ОЛИЙ БАХТ

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

27 ноябрь, пайшанба 1997 йил №139 (489)

Сешанба , пайшанба ва шанба кунлари чиқади

УШБУ СОНДА:

ИҚТИСОДИЁТДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР
2-БЕТДА

ЁМОНЛИКЛАРНИНГ КАЛИТИ...
3-БЕТДА

XXI АСР КИШИСИ ТАҚДИРИНИ ЎЙЛАБ...
4-БЕТДА

Иқтисодиёт хабарлари

СИРДАРЁ. **Ш.Рашидов туманининг Ҳ.Олимжон ва Т.Малик номли хўжаликларида аҳолига тиббиёт хизмати кўрсатадиган врачлик пункти қуриб битказилди.**

Бундан ташқари туманда иккита бир неча юз ўқувчига мўлжалланган замонавий мактаб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, туман аҳолисининг маданий ҳордиқ, дам олишлари ва тўй-маъракаларида хизмат қиладиган Пахтаобод пахта тозалаш заводи қошида шарқона усулдаги янги чойхона топширилди. Туман марказида эса янги бозор иш бошлади.

ФАРҒОНА. **Риштон туманининг Хуррамобод қишлоғида янги пахта тозалаш заводи ишга тушди. Лойиҳа қуввати йилига 39828 тонна пахтани қабул қилиб, қайта ишлаш имкониятига эга бўлган янги заводни Шавкатжон Собиров етакчилигидаги 3-қишлоқ қурилиш трестига қарашли кўчма механизациялашган жамлама қурувчилари бунёд этишди. Янги корхонада туман ёшлари учун 450 та иш ўрни яратиб берилди.**

ТОШКЕНТ. **Чирчиқ сут заводи қошида Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ташкил этилди. «Мезон» деб номланган бу қўшма корхонада биргина музқаймоқнинг бир неча хили ишлаб чиқариладиган бўлди. Бундан ташқари бу ерда боғбонлар турк ҳамкасблари билан ҳамкорлик қилишни ҳам режалаштириб қўйишди. Улар лимончиликни ривожлантириш бўйича иш юритишга келишиб олдилар.**

Ғалла мустақиллигига эришайлик!

ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯ – ҒАЛЛАЧИЛИККА

Ғайбулла Абдужалилов мутахассислиги бўйича олим-агроном. «Музбулоқ» хўжалигида 15 йилга яқин бош агроном вазифасида ишлади. Бир йилдан буён хўжаликка раҳбарлик қилмоқда. У қуйида мутахассис ва раҳбар сифатида ғаллачиликни ривожлантириш йўллари ва ўзи бошчилик қилаётган хўжаликда амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр юритади.

Республикамиз иқтисодининг етакчи соҳасини ғаллачилик ташкил қилади. Шу сабабдан Президентимиз мамлакатимизда ғаллачиликни кенг ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Ғалла мустақиллигига эришиш вазифасини долзарб қилиб қўймоқда. Республикада ялпи дон етиштиришни йилига 4-4,5 млн тоннага етказиш учун суғориладиган ерларда бошоқли дон экинлари майдонини кенгайтириш билан бирга уларнинг ўртача ҳосилдорлигини гектарига камида 35-40 центнерга, лалмикор ерларда 10-12 центнерга етказиш талаб этилади. Бунга эришмоқнинг муҳим омилларидан бири интенсив технологияларни кенг жорий этишдир.

Хўжалигимизда интенсив технологияга амал қилиб келаётганимиз туфайли қатор йиллардан буён ғалладан катта хирмон бунёд этиб келаяпмиз. Тўғри, ер шароитимиз гектаридан 60-70 центнердан ҳосил кўтаришга имкон бермайди. Еримиз адирликлардан иборат бўлиб, тупроғи соз тупроқ. Устига-устак тупроқ эрозияси кучли ҳудуд ҳисобланади. Ҳосилдорликни кўтаришга фақат интенсив технология асосида эришаяпмиз.

Ушбу технологиянинг муҳим омиллари нималардан иборат? Аввало алмашлаб экиш қоидаларига риоя қилинади. Ер текисланади, тупроққа маҳаллий ва маданий ўғитлар солинади. Ерга экиш олди ишлови берилади. Сара уруғ танланади ва дориланади, майсалар озиқлантирилади, бегона ўтлар, касаллик ва зараркунандаларга қарши ҳимоя воситалари қўлланилади, тупроқда мақбул сув режими бунёд этилади, ҳосил ўз вақтида тезкорлик билан йиғиштириб олинади.

Хўжалигимизда жадал технология асосида юқори ва сифатли дон етиштиришда барча агротехник чора-тадбирлар мажмуи қатъий тартибда оғишмай амалга оширилаётганлиги туфайли 1993 йилдан буён ғалладан юқори ҳосил олинмоқда. Жумладан, 1995 йилда гектаридан 52 центнердан, 1996 йилда 55 центнердан, айрим бригадаларда эса ҳатто 60 центнердан ҳосил олинди.

1997 йилда хўжалигимизда ғаллачиликда пасайиш юз берди. Бунга сабаб туманимиз шароитида, қоларверса вилоят миқёсида ғаллачиликда табиий офат юз берди. Ғалла бошоқлаш арафасида кучли дўл ёғди. Жала қуйди. Бу ғаллани пайҳон қилиб, ғалла бошоқларини сийраклаштириб кетди. Май ойи охирларидаги уч кунлик қаттиқ иссиқ ва июнь ойидаги ҳароратнинг 42 градусгача кўтарилиши, гармсел, ола булутли кунлар ғаллани етилмасиданоқ «пишириб» қўйди. Бу гармсел иссиқ донга тўлаётган, хамирлаётган донни жойида қотириб, «қуш сели» туфайли ҳосил 50 фоизга камайиб кетди. Табиат жадал технологиямиз кучини «синдирди». Ғаллачиликдаги бундай салбий ҳолатни мен биринчи марта кўришим. Кексалар ҳам ғалла ҳосилига таъсир қилган иссиқни эслаша олмади.

Шундай бўлса-да, 480 гектар сувли ғаллазорнинг гектаридан 30 центнердан, 1120 гектар лалми ғаллазорнинг гектаридан 7 центнердан хирмок кўтардик. Давлат буюртмасини 1315 тонна ўрнига 1500 тонна қилиб бажардик.

Иссиқ кунларнинг ҳар бир кунида пайкалларда сув ва нам сақлаган Нурилла Каримов бошлиқ бригада ҳар гектардан 43 центнердан, Анорбой Маннопов звеноси 45 центнердан хирмон кўтарди. Демак, ғаллакорларимиз табиий офатни енгишнинг яна бир ҳадисини билиб олдилар. Агар қуёш сели (иссиғи) ғалла донлаётган пайтда ғаллазорга қаратилса, пайкалларда нам ва сув сақлаш пайида бўламиз. Бу тадбир ғалланинг йўқолишига эмас, кўпайишига ёрдам берар экан.

Деҳқонларимиз жорий йил хатоларидан хулоса чиқариб 1998 йил мўл ғалла ҳосилига замин ҳозирлаб қўйдилар. 480 гектар ерга интенсив технология асосида «Скифянка» навли дон экдик. Ва уни 100 фоиз ундириб олиб парваришлаяпмиз. Яшил майсаларни озиқлантириш ва суғориш пешма-пеш давом этмоқда. 1120 гектар лалми ерларга «Грекум» ва «Санзар» навли буғдой уруғларини қададик. Биз 1998 йилда сувли ғалладан гектаридан 50-60 центнердан, лалми ғалладан 12 центнердан хирмон кўтаришни мақсад қилганмиз.

Ғаллачиликда агротехник тадбирларни қўллашда муттасил мўл ҳосил олиш учун курашда бригада бошлиқларидан Жўрабой Сойимов, Баҳодир Ғозиев, Нурилла Каримов, механизаторлардан Турдибек Авалбоев, Довур Бобобеков, Ўктам Анорбоев, Тўлқин Жўлибеков, Мирзо Дунгалаковларнинг хизматлари беқиёс бўлмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бизнинг хўжаликда ҳам долзарб вазифалардан бири қилиб қўйилган. Арғамчига қил қувват деганларидек, аҳолига 27 тонна помидор, 17 тонна олма, 30 тонна узум, 12 тонна пиёз, 10 тонна ун, 2 тонна гуруч, 400 кг оқ мойни арзонлаштирилган нархларда тарқатдик. Чорва молларини боқиш учун 750 тонна сомон бердик. Ногиронлар, фахрийлар, уруш қатнашчиларига байрам кунлари бепул ош берилаяпти. Шу йўсинда биз деҳқонларимизни янги меҳнат ютуқларига рағбатлантираяпмиз.

Ғ.АБДУЖАЛИЛОВ,
Жиззах вилояти,
Ғаллаорол туманидаги
«Музбулоқ» ширкат
хўжалиги раҳбари.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Ироқ оммавий қирғин қуролларини йўқотиш мақсадида тузилган БМТ-нинг махсус комиссияси Ироқдаги 11 ҳарбий объектларни текшириб чиқдилар. Текширув ўтказаётганлар орасида америкалик олти мутахассис ҳам бор. Улар Ироқ ҳукумати розилиги билан ҳарбий объектларга кириш ҳуқуқига эга бўлдилар. Ироқ раҳбарияти махсус комиссияга ҳеч қандай тазйиқ ўтказмаётир. Комиссия аъзолари Ироқдаги 63 объектни кўздан кечириш қийин бўлишини айтмоқдалар. Улардан бири Ироқ Президентининг қароргоҳидир. АҚШ ҳукумати мазкур объектни ҳам яхшилаб текшириб кўриш шартлигини таъкидламоқда.

* * *

Боснияда муддатидан илгари ўтказилган парламент сайловларининг дастлабки якунлари эълон қилинди. Президент Биляна Плавшичга қарши турган Сербия Демократик партияси энг кўп — 33 фоиз овозга эга бўлди. 20 фоиз овоз олган Биляна Плавшичнинг Сербия халқ иттифоқи иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўринда эса 18 фоиз овоз олган Сербия радикал партияси турибди. Кузатувчиларнинг баҳолашига кўра, Сербия Демократик партияси радикаллар партияси билан бирга иттифоқ тузиб, Президент Биляна Плавшичга қарши ҳаракат қилиши мумкин.

* * *

Исроил ҳукумати илгари сурган исроил ҳарбийларини Урдун дарёси ғарбий соҳили худудининг фақатгина саккиз фоиз еридан чиқариб юбориш тўғрисидаги таклифини Фаластин раҳбари Ёсир Арафот қатъиян рад этди. Фаластинликлар ҳозир бу минтақанинг фақат уч фоизини ўз тасарруфларида сақлаб турибдилар. Ёсир Арафот Исроилдан ўз ҳарбийларини бу минтақадан умуман олиб чиқиб кетишни талаб этмоқда.

* * *

Канаданинг Ванкувер шаҳрида Осиё ва Тинч океани мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотининг анжумани бўлиб ўтди. Ўн саккизинчи бор ўтказилган ушбу учрашувда Осиёнинг бир қатор мамлакатларидаги валюта бозорларини барқарорлаштириш, халқаро савдосотиқни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

* * *

Россия Президенти Борис Ельцин Давлат думаси томонидан мамлакат ҳукуматига нисбатан айтилган танқидлар тўғри эканлигини қайд этмоқда. Россия Давлат думаси Вазирлар Маҳкамасининг ишидан қониқмаётганлигини, ҳукумат кўп масалаларни ҳал этишда сусткашликка йўл қўяётганлигини қаттиқ танқид қилган эди. Борис Ельцин Вазирлар Маҳкамаси аъзолари билан жиддий гаплашиб қўйишга ва уларни сидқидилдан ишлашга мажбур этишга ваъда берган.

* * *

Америка Қўшма Штатларининг ўтган ҳафта фазога учирилган «Колумбия» фазо кемаси экипажи ўта мураккаб операцияни бажарди. Фазодаги «Шаттл» кемаси «Спартан» номли сунъий йўлдошни ўз назорати чегарасидан чиқариб юборган эди. «Шаттл» кемасидан «қочиб» юрган бу сунъий йўлдош «Колумбия» экипажи томонидан тутиб, яна фазовий кемага ўрнатиб қўйилди. Бунинг учун фазогирлар очиқ фазода бир неча соат ишлашларига тўғри келди.

Жаҳон ахборот агенликлари ҳабарлари асосида

Республика аҳамиятига молик корхоналарда

Нуриддин ЗАЙНИЕВ

«ЗАВОД ИСТИҚБОЛИГА ИШОНАМАН»

Муборакда ўнга яқин йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, шу ўринда Муборак газни қайта ишлаш заводи ўз маҳсулоти билан жаҳонга юз тутмоқда. Завод фаолият кўрсата бошлаганига 25 йилдан ошди.

Республикамизда ишлаб чиқарилаётган олтингугуртнинг 99,9 фоизи мазкур заводда тайёрланмоқда. Умуман олганда Муборак газни қайта ишлаш заводи газни қайта ишлаш бўйича жаҳонда Русиянинг Оренбург газни қайта ишлаш заводидан кейин иккинчи ўринда туради. Кўкдумалоқ, Зеварда газ конларидан олинаётган газ ҳам мазкур заводда қайта ишланмоқда. Газни қайта ишлаш эвазига олинаётган олтингугурт республикамизнинг барча химия заводларига етказиб берилаётир.

Муҳими, Муборак газни қайта ишлаш заводида тайёрланган хом ашёга хорижий мамлакатларнинг қизиқиши ва талаби йил сайин ортиб бормоқда.

Яқинда мазкур заводда бўлиб, жамоанинг шу кеча-кундузда амалга ошираётган ишлари билан қизиқдик. Завод директори Нуриддин ЗАЙНИЕВ билан суҳбатлашдик.

– Нуриддин ака, эшитишимизга қараганда кейинги беш йилда Сиз раҳбарлик қилаётган заводнинг қуввати ортиб, республика саноатининг ривожига катта ҳисса қўшилган. Шу ҳақда тўхталсангиз?

Аввало шуни айтмоқчиманки, заводнинг қуввати 30 миллиард кубметр газни тозалашга етади. Унинг мамлакатимиз равнақида тутган ўрни жуда катта. Шу боисдан ҳам заводимиз фаолияти доимо республикамиз раҳбариятининг диққат - эътибор марказида турибди. Корхонамизнинг 2010 йилгача бўлган келажаги аниқланиб, режалаштирилган. Қуввати бундан ҳам ошади. Бунинг учун эса яна қўшимча 3 та янги блок қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Заводимиз 1971 йилда ишга тушганди. Ўшандан буён қувватини ошириш ҳусусида катта ишларга қўл урилди. Натижа ҳам ёмон бўлмади. Айни пайтда заводимизда 18 та газни тозалайдиган, 6 та газдан олтингугурт ажратиб оладиган, 3 та газдан олинган кондиенсатни қайта ишлайдиган, хуллас 40 дан ортиқ блок ишлаб турибди.

Заводни завод деб аташ ҳам, газни тозалайдиган катта бир мажмуа - комплекс деб ҳам аташ мумкин. Бундай дейишимнинг сабаби бор. Бизда иш жараёнлари босқичма-босқич амалга оширилади. Мисол учун, биринчидан, Кўкдумалоқ, Зеварда газ конларидан келадиган хом ашё 18 та блокда тозаланади, иккинчидан, газ тозалаш пайтида унинг таркибидаги нордон газлар ажратилиб, 6 та қурилмада қайта ишланиб олтингугурт ажратиб олинади, учинчидан, конлардан келадиган конденсатлар заводимиздаги 3 та блокда қайта ишланиб тозаланади. Тоза конденсат эса Фарғонага жўнатилади. Тўртинчидан, газлар совутилади. Хуллас, бизда газ тозалаш жараёнлари 3-4 босқичда амалга оширилади.

Бундан ташқари заводимизда таъминотчи тармоқлар: электр энергия-

(Давоми 2-бетда)



Александр Раҳмонқулов Зарафшон шаҳрининг пағон қурувчиларидан.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

Аҳвол қалай, фермер?

СУТДАН СУВ ҚИММАТ?!

Катта йиғинларнинг бирида Эллиққалъа туман ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Амин Тожиев: — «Қиличиноқ»даги оддий фермер Султонбой ака собиқ колхоз фермасидагига нисбатан кўпроқ чорва маҳсулотлари етказиб бераяпти, — деб қолди.

Ҳокимнинг бу таърифини эшитиб, асло ажабланмадим. Чунки Султонбойни ёшлигидан биламан, тутган еридан қайтмайдиган, ўтли-шудли, энг муҳими лафзи ҳалол, адолатсизликни кўргани кўзи йўқ инсонлардан. Кўп йиллар чорвачилик соҳасида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Бўлимни бошқарди. Асло кам бўлмади. Неки топса — обру-эътиборми, ҳурмат-иззатми, данғиллама иморатми, барчасига меҳнати, фақат ҳалол меҳнати туфайли эришди.

Султонбойнинг яна бир хислати: у янгиликка уч. Шу боис овулида биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги ташкил қилди. Эзгу ниятлар билан оилавий жамоасига «Узбекистон» деб ном берди. Ахир шахсий мулкни ривожлантириш учун фақат мамлакатимиз мустақиллиги сабабли катта ва равон йўл очилди-да! Дастлаб давлатдан 7 минг сўм ссуда олди. Бозордан, энг ишончли кишилардан 13 бош ғунажин сотиб олиб, уйидаги моллар билан қўшганда 20 бош қорамолни парвариш қила бошлади. 18 тонна сут, бир тонна гўшт етказиб, қарзидан қутилди.

— Амалдаги йилни қандай якунлаяпсизлар? — сўраймиз Султонбой Қўшназаровдан.

— 40 бош қорамол боқаяпмиз, — дейди у. — Шундан 12 боши соғин сигир. Кунига 125 литрдан серқаймоқ сут соғиб олинади, 115 литрини Турткўлдаги сут заводига жўнатамиз. 10 литрини овулдаги кўп болали оилалар, қўни-қўшниларга берамиз. Уюшмадаги бошқа зарур ташкилотларга топширилади. Фермер хўжалигимизга 5 гектар ер ажратилган. Унинг 3 гектарига беда, бир гектарига силос учун маккажўхори, ярим гектарига кузги бўғдой, 10 сотихга лавлаги ва 40 сотихига оқ жўхори экдик. Оиламиз билан ерга меҳр қўйганмиз, астойдил ишлаймиз, ўғити, сув вақтида берилади. Шунинг учун ҳам бедадан 120 центнердан, маккажўхори кўкпоясидан 500 центнердан, бўғдойдан 50 центнердан, оқ жўхоридан 70 центнердан ҳосил олдик.

— Фермада ишлайдиган асосий аъзолар...

— Биласизми, фермерликни ривожлантириш — бу бутун оиламиз барча аъзоларининг асосий мақсадларидан ҳисобланади. Чунки ҳаммамиз ҳам ундан манфаатдормиз-да. Турмуш ўртоғим Оқилжон, келинларим Ойша, Дилфуза, қизларим Тамара, Дилфуза, Гулжаҳонлар учун ишнинг катта-кичиги йўқ. Аммо, ҳар бир иш ўз вақтида, маромига етказиб адо этилади. Чунки, молнинг сути тилида. Ота-боболаримиз айтишадику, «Мол-боққол», деб. Молни боқиш керак. Бизнинг шароитимизда яйлов йўқ, моллар боғлаб қўйилади, шунинг учун ҳам ундан кеча-кундуз, ҳар соатда бохабар бўлиб туриш талаб этилади.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати — наслчилик бўйича иш олиб борамиз. Тўғри, наслдор моллар Голландиядан, Болтиқбўйидан ёки Россиядан келтирилмайди. Энг соғлом бузоқларни боқиш учун қолдирамиз, парвариш қиламиз.

Юқорида молларни боқиш учун яйлов йўқлиги, улар фақат боғлаб қўйиб боқилишини айтдим, агар сигирларнинг ҳар бири 4 минг литрдан сут бермаса ўзини қопламайди, яъни биз зарар кўрамиз. Шунинг учун ҳам уюшма раҳбариятидан ҳар бир шартли мол учун етарли миқдорда бўлмаса ҳам жиллақурса, 5 гектар ер ажратиб беринг, деб худонинг зорини қиламан, бу ниятим амалга ошмаяпти. Ер ресурси камроқми, ишқилиб, қўшимча ер ажратилмаяпти. Агар яна 5 гектар ер беришсайди, сут етиштиришни йилига 50 тоннага, гўшт топширишни икки бараварга кўпайтирган бўлар эдим. Ҳозир ҳам овулимиздаги бешта фермерлар собиқ колхоз давридаги фермадагига нисбатан кўпроқ маҳсулот топширяпти. Умумий фермадаги 3 та сигирнинг маҳсулотини бизда бир бош сигир беради. Сабаби, мулк — шахсий, қанча яхши натижага эришсак, шунчалик даражада кўпроқ манфаатдормиз. Ҳозир фақат бизнинг ҳисобимизда 100 минг сўм нақд маблағ бор.

— Ишнинг янада яхшиланиши, фермерлик ҳаракатининг тағин юксалиши йўлида тўғаноқ бўлаётган муаммолар борми?

— Э, нимасини айтасиз, муаммо ҳам, айрим раҳбарларнинг совуққонлиги ҳам керагича бор. Бир мисол: фермерларимиз топширган маҳсулотларига тегишли бўлган ҳақларини доимо ўз вақтида олиша олмайди. Масалан, Нукус сут заводида 87 минг сўм пулимиз бор. Ўзимизнинг она сутидек ҳалол ҳақимиз учун 300 километрга бориб, икки-уч кунлаб юрамиз, шунда ҳам доимо унавермайди.

Иккинчи масала: сутнинг харид нархи. Сутнинг қиймати харажатни қоплама-лай қолаяпти. Ўзингиз бир тасаввур қилинг-а, бир литр маъданли сувнинг баҳоси 50 сўм, бир литр серқаймоқ сут эса 15 борингки, бозор бароридан келса 18 сўм туради. Шунинг учун ҳам биз фермерлар оз, уюшган ҳолда мини-заводлар қуриб олишимиз, 6-7 турдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришимиз лозим. Бунинг учун яқинда ўз фаолиятини бошлаган шахсий ва деҳқон фермерлар уюшмаларига кенгроқ ваколатлар бериш даркор. Мақсад фермерлар муаммоларини мустақил равишда ҳал қила олсинлар.

Биз фермерларга келсак, шубҳасиз катта йўлга чиқиб олдик: чорвачиликни ривожлантириш, меҳнаткашлар дастурхонини маҳсулотлар билан тўкин-сочин қилиш йўлида тинмай меҳнат қилаверамиз.

Сухбатдош:
Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

ОБУНА ҚИЗҒИН

Олмалиқ шаҳар давлат муассасалари касаба уюшма қўмитаси рўйхатида турган йигирма икки ташкилотдан шу кунгача ўн еттитаси Ўзбекистон касаба уюшмалари рўзномалари бўлган «Ишонч» ҳамда «Ишонч-Доверие» газеталарига обуна бўлишди. Газетага обуна 1997 йилга нисбатан ўн етти баробар кўпдир. 1997 йилда фақат шаҳар касаба уюшмаси у ҳам бўлса иккинчи ярим йилликда обуна бўлишганди. Йил охиригача қолган ташкилотлар ҳам бу ташаббусга қўшиладилар, деган умиддамиз.

Обуна давом этмоқда!

«Ишонч» мақолалари изидан

Наманган вилояти Уйчи тумани ҳокимлиги «Ишонч» газетасининг 1997 йил 9 октябрь 118 сонида чоп этилган «Тўғри ташна тўқмоқми. Ёки қумита раисининг қай тарика камситиластганлиги хусусида» сарлавҳали танқидий мақоласини туман ҳокимлигининг кенгайтирилган йиғилишида атрофлича муҳокама этди.

Мақолада келтирилган далиллар йиғилиш иштирокчилари томонидан эътироф этилиб, хўжалик бошлаштиг касаба уюшма қўмитаси раиси Ш.Умаровга касаба уюшма фаолиятини юритиш учун хўжалик маъмурияти томонидан «Касаба уюшмалар, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари» тўғрисидаги қонунда белгилаб қўйилган шарт-шароитларни яратиб бермаганлиги учун Охунбобоев номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси бошқаруви раиси А.Эргашевга ҳайфсан эълон қилинди.

Шунингдек, йиғилишда хўжалик, корхона ва ташкилот раҳбарларига жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорликда фаолият кўрсатиш, уларга қонунларда белгилаб қўйилган шарт-шароитларни яратиб бериш уқтириб утилди.

Т.МИРАҲМЕДОВ,
Наманган вилояти,
Уйчи тумани ҳокими.

«Ишонч» рўзномасида 1997 йил 7 октябрь куни чоп этилган «Тўрт қарич ер можароси» мақоласи туман ҳокимлиги мутахассислари билан атрофлича жойига чиқиб ўрганилди.

Самарқанд шаҳар Боку кўчаси, 67-уйда истиқомат қилувчи Э.Ҳаракчиева ва Л.Наумова ўрталаридаги ҳовлини бўлиш низоси Узбекистон Республикаси «Ер тўғрисида»ги Қонунининг 62-моддаси 8-бандига биноан фақат суд ҳайъати томонидан кўриб чиқилиши кўрсатилган.

Туман ҳокимияти мутахассислари томонидан Самарқанд вилоят судяси Нодира Раҳимовага ҳовлини архитектура нормалари асосида қонунга биноан бўлиб берилиши ва суд жараёнида қатнашдилар.

Самарқанд вилоят суди томонидан амалдаги қонунга биноан 1997 йил 9 январда тўғри қарор чиқариб берилди ва амалга оширилиши Самарқанд шаҳар суд ижрочиси М.Рауповага юклатилди.

Самарқанд шаҳар суди ижрочиси билан биргаликда ҳокимлик мутахассислари жорий йилнинг 15 августида ушбу девор бузилиб, вилоят судининг қарорига биноан кўрсатилган жойидан 15 октябрда янги девор қуриб битказилди. Фуқаролар Э.Ҳаракчиева ва Л.Наумова ўрталаридаги можарога чек қўйилди.

Келгусида Суд ижрочиларига юклатилган шунга ўхшаш масалалар ҳокимлик назоратига олиниб, ўз вақтида суд қарорлари бажарилишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Ушбу масалага ўз эътиборини қаратгани учун «Ишонч» рўзномаси муҳарририяти-га миннатдорчилик билдирамиз.

Х.БОБОМУРОДОВ,
Самарқанд шаҳар
Темирйўл
тумани ҳокими.

Хдмтмдх

«ЗАВОД ИСТИҚБОЛИГА ИШОНАМАН»

(Давоми. Боши 1-бетда)

си, сув, химикат ва қурилмаларни таъмирлаш каби 40 га яқин ташкилот ҳамда цехлар мавжуд. Заводимиз бир йилда бир неча миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Ана шундан олинадиган фойдамиз, аниқ айтадиган бўлсам, 1997 йилда ҳам катта фойдани мўлжаллаб турибмиз.

- Сиз раҳбарлик қилаётган завод бошқа газни қайта ишлаш заводларидан нимаси билан ажралиб туради?

- Дунёда газ заҳиралари мавжуд бўлган мамлакатлар талайгина. Ҳар қайсисида газни қайта ишлайдиган заводлар ҳам мавжуд. Бироқ жойларда қазиб олинаётган газ таркиби бир хил эмас. Масалан, қазиб олинаётган газларнинг ҳаммасида олтингугурт аралашмаси бўлавермайди. Кўпчилик заҳиралардаги газда метан, бутан, пропан каби газ бирикмалари беқиёс. Биздаги заҳираларда эса хусусан саноат учун энг керакли олтингугурт биринмаси кўп. Ўзингиз ўйланг, химия саноати учун олтингугурт сув ва ҳаводек керак. Оддий ҳақиқат, қишлоқ хўжалик экинлари учун аммофос ўғити керакми? Керак. Олтингугурт бўлмаса, аммофос ўғитини тайёрлаб бўлмайди. Ҳатто олтин саноатида ҳам заводимизда тайёрланган олтингугуртдан фойдаланилмоқда.

Қисқа қилиб айтганда Муборак-Бухоро зоналаридаги газ заҳиралари таркибида метан, бутан, пропан ва олтингугурт бирикмаларининг ҳаммаси мавжуд. Шуниси билан бошқа газ заҳираларидан ва газни қайта ишлаш заводларидан ажралиб туради. Яна бир мисол. Тюменни олайлик. Бу ерда қазиб олинаётган газ таркибида метан бирикмаси кўп. Олтингугурт эса жуда кам миқдорда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

- Ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш учун қандай замонавий технологиядан фойдаланяпсизлар?

- Ўзбекистон нефть-газ саноатини ривожлантириш учун газни қайта ишлаш бўйича дунёда яратилган энг илғор технологиядан албатта фойдаланиш керак, албатта. Биз шундай қилаяпмиз ҳам. Бу соҳада Франция, АҚШ тажрибасига амал қилинаяпти. Шунингдек, чет эл компаниялари билан алоқани мустаҳкамлаганмиз. Яқинда Швейцариянинг жаҳонга таниқли «Зулсерг» фирмасидан газни тозалаш қурилмаларининг «обсорпер» аппарати ичидаги (бизнинг тилда «начинка» ва «насафка» дейилади)қисмларни шартнома асосида олиниб, эскилари янгиси билан алмаштирилди. Бу иш қурилма қувватини икки бараварга ошириш имконини берди.

Биз заводда ишлаб чиқаришни автоматлаштиришни кучайтириш мақсадида дунёга довруғи кетган «Сименс» ва «АИК» фирмалари билан алоқа қилганмиз. Улар бизга бошқарувни автоматлаштиришда кўмаклашмоқда.

- Нуриддин ака, эшитишимизга қараганда заводга раҳбарлик қилаётганингиздан буён маҳаллий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериб келаётган экансиз.

- Мен 1992 йилда заводга раҳбар этиб тайинландим. дастлаб бу ерда иш юритиш анча қийин кўчди. Сабаби корхонада кадрлар қўнимсизлиги мавжуд эди. Етакчи мутахассисларнинг кўплари собиқ СССР даврида турли республикалардан келиб ишлашарди. СССР тарқатиб юборилгач, улар ихтиёрий равишда ўз она юртларига кетиб қолишди. Кадрлар қўнимсизлиги ишлаб чиқаришга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Чунки, асосий иш жараёнларини бошқариш учун маҳаллий кадрларда малака етишмасди. Кўз олдингизга келтиринг-а, ана шундай бир вазиятда қўл қовуштириб, юқоридан кадрлар келишини кутиб ўтириш керакми ахир?! Мен завод маъмурияти билан маслаҳатлашган ҳолда маҳаллий кадрларни ўқитиш, улар малакасини оширишга эътиборни қаратдим. Очиғи дастлаб ишлаб чиқаришда бироз бўлса-да оқсоқланиш юз бера бошлади. Орадан бир йиллар чамаси ўтгач, қилган саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бера бошлади. Ишлаб чиқаришнинг асосий нуқталарига ва раҳбарлик лавозимларига маҳаллий кадрларни жалб этдик. Бугунги кунда заводда ишлаётган ҳар бир маҳаллий кадр ўз ишини мукаммал ўрганиб олган. Кадрлар қўнимсизлиги кескин барҳам топган. Маҳаллий кадрларимиз иш ўрганиш учун чет элларга бориб келишмоқда. Шахсан ўзим Англияга, бош муҳандисимиз Франция ва Германияга, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи АҚШга, хуллас 60 дан ортиқ мутахассис ва ишчи-хизматчиларимиз чет элларга бориб келишди.

Аниқ эсимда, заводда меҳнат қилиб «қаймоғини ялаган» кўплаб биродарларимиз «биз кетдик, энди заводда иш оқсаб қолади» деганларини биламан. Улар бугунги кунда маҳаллий кадрлар ташкилотчиликни ва ташаббускорликни ўз қўлларига олганликларини кўриб ич-ичидан эзилиб юришибди.

- Нуриддин ака, заводда икки мингдан ортиқ киши меҳнат қилар экан. Хўш, ана шу кишиларни ижтимоий ҳимояси кафолатланганми?

- Бизда ишчи завод шарафи, шуҳрати ҳақида завод маъмурияти эса ишчининг уй-шароити, рўзғори, маданий дам олиб ҳордиқ чиқариши хусусида қайғуради. Бу борада завод касаба уюшма қўмитаси (раиси Меҳмон Нурмуродов) фаолияти мақтовга сазовордир. Аввало шуни айтиш жоизки, завод маъмурияти ва завод касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида алоқа мустаҳкам. Ҳар йил бошида маъмурият билан қўмита ўртасида меҳнат шартномаси тасдиқлаб олинади. Йилига икки марта қўмита йиғилиши ўтказилиб, ушбу шартномаларнинг бажарилиши муҳокама этилади. Шартномада оддий фуқарони ишга қабул қилишдан тортиб то умрининг сўнгги кунигача кафолатланган. Бизда рағбатлантиришнинг 47 усули жорий этилган. Унда фақат рағбатлантириш қайд этилибгина қолмай, балки хатоликка, тартибсизликка ва меҳнат интизомини бузишга йўл қўйганларни жазолаш ҳам эътироф этилган.

Ишчиларнинг уй шароитлари, турли хил солиқлардан озод қилиш, транспорт харажатларини бепул қилиш, рўзғорига керакли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, кийим-кечаклар билан таъминлаш намунали ташкил этилган. Заводда ишловчиларнинг унумли меҳнат қилиб, маданий дам олишлари учун барча қулайликлар яратилган. Газчилар шаҳри-Муборакда соғломлаштириш маскани ишлаб турибди. Марказий ўйингоҳ, сауна, теннис корти, сузиш ҳавзаси ишчи-хизматчилар ихтиёрида. Гапнинг индаллосини айтганда, заводда ишлаётган ҳар бир киши маъмуриятнинг ҳамиша диққат-эътиборида. Туғилган кунлар, тўй-маъракалар, анъанавий байрамлар, турли қизиқарли ва мазмунли тадбирлар учун завод маъмурияти ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси алоҳида маблағ ажратган. Ана шу маблағдан оқилона ва ўз ўрнида фойдаланиш эса раҳбарларнинг доимий ишига айланган.

Суҳбатдош: Ахрор САМАРИДДИНОВ.

Таҳририятдан: Азиз муштарий! Биз республикамиз саноатининг йирик корхоналаридан бири - Муборак газни қайта ишлаш заводи директори билан мухбиримиз суҳбатини Сизнинг эътиборингизга ҳавола этаётирмиз. Ушбу суҳбат орқали оз бўлса-да завод фаолияти билан танишасиз. Ҳали унинг блок ва цехлари, уларда меҳнат қилаётган ажойиб кишилар, завод муаммолари ҳақида тўхталмадиқ. Чунки «Ишонч» газетаси мазкур корхона фаолиятини ёритиб боришни ўз зиммасига олди. Завод эса ҳомийлик қилишга жазм қилди. Шу боис, газетамизнинг бундан кейинги сонларида завод фаолиятига доир қизиқарли ва ўқишли материалларни мунтазам равишда бериб борамиз. Ўйлаймизки, муштарийларимиз ҳам республика аҳамиятига молик ушбу корхонанинг фаолиятини зўр қизиқиш билан ўқийдилар.

1997 йил — Инсон манфаатлари йили

ТЎЛА ҚУВВАТ БИЛАН ИШЛАЙ БОШЛАДИ

Қорақалпоғистондаги йирик саноат корхоналаридан бири — Чимбой шаҳридаги ёғ заводи тўла қувват билан ишлай бошлади. Бундай юқори натижага эришишда корхонани қисқа муддатда реконструкция қилиш, мулк шаклини ўзгартириб, ҳиссадорлик жамиятига айлантириш муҳим омил бўлди. Чунки, янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, айниқса асосий корпусни бутунлай қайта таъмирлаш; самарадорликни кескин орттирди, меҳнат муҳофазасини таъминлади. Мулк шакли ўзгартирилиб, 1993 йилдан ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиши эса масъулиятни оширди. Шундай қилиб, ҳар бир ишловчининг манфаатдорлиги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг миқдори ва сифатига боғлиқ эканлиги яққол равшан бўлди. Агар ўтган йилнинг октябрь ойида 137 тонна пахта ёғи ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилган бўлса, бу йил ана шу кўрсаткич 316 тоннани ташкил қилди. Шунингдек, 1304 тонна кунжара, 920 тонна шелуха тайёрланиб, бу борадаги режалар ҳам икки ҳисса ортиғи билан уддаланди.

— Эришилган ютуқларга жамиятимиздаги 200 нафар ҳиссадорларнинг барчаси улуш қўшди, — дейди корхона касабақуми аъзоси, бош иқтисодчи Турдихон Ережепова. — Шу кеча-кундузда туртта бригада аъзолари уч сменада самарали меҳнат қилишмоқда. Айниқса, уста Уролхон Примбетова, бош механик Абдунаим Соипов, оддий ишчи Рейимбой Юсупов, меҳнат фахрийси Жумат ога Холмуродовларнинг номларини жамоамиз аъзолари ҳамиша фахр билан тилга олишади...

Биз корхонада бўлганимизда касабақўмнинг меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти билан қизиқдик. Ҳақиқатан ҳам ёғ заводининг тўла қувват билан ишлаб, қўплаб фойда олаётгани (1992 йилдан буён биринчи марта) ишчи, муҳандис-техник ходимларнинг манфаатларини тўла маънода ҳимоя қилиш учун катта имкониятлар яратиб берди. Маъмурият ва касабақўм ҳамкорлигида «Гигант» чорвачилик хўжалиги билан тузилган шартнома асосида 10 тонна буғдой сотиб олиниб, корхонада ишловчиларга меҳнат ҳақи сифатида арзон баҳода тақсимлаб берилди.

Шунингдек, 50 тонна кунжара ва шелухага махсус фонд ажратилиб, уни хонадонларида чорва моллари боқаётган ҳиссадорларга имтиёзли равишда тарқатилгани ҳам диққатга сазовордир.

Маъмурият яқинда яна бир хайрли ишга қўл урди. Қушни пахта тозалаш заводининг маъмурий биносини ўз ҳисобига ўтказиб, бу ерда 50 ўринли намунали ошхона ташкил этди. Мана икки ойдирки, корхона ҳиссадорлари бепул овқатланиш имконига эга бўлишди.

Чимбой ёғ ҳиссадорлик жамиятида келажак эгалари — болалар тарбиясига қўрсатилаётган ғамхўрлик бизни мамнун қилди. Бу ерда 50 ўринли болалар боғчасида намунали хизмат кўрсатилиб, жажжи ўғил-қизларнинг соғлом ўсишлари, тарбия олишлари учун барча шароитлар яратишга эътибор қаратилмоқда.

— Жорий йилда катта синовдан — корхонани таъмирлашдек қийин жараёндан муваффақиятли ўтдик, — дейди ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Жўлдосбой Жумабоев. — Маҳсулот етиштиришда вақтдан ўзиб ишлаяпмиз, яъни ўтган йилга нисбатан кўрсаткичларимиз анча юқори даражада бўлаяпти. Олаётган соф фойдамиз ҳам бир ярим ҳисса кўп. Демак, мамлакатимиз Президенти эълон қилганидек, 1997 йил — инсон манфаатлари йили, ҳақиқий маънода оддий меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишда бурилиш даври бўлиб қолади.

Абду РАҲМОН, «Ишонч мухбири.

Раҳима Мамараимова 15 йилдан бери Хатирчи туманидаги очиқ турдаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятининг 1-той (КИП) тикув ишлаб чиқариш бригадасида ишлаб келади. Ҳар куни жилд тикиб жўнатилаётган той пахталарда унинг ҳам ҳиссаси бор.

Суратда: Р.МАМАРАИМОВА. Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

Бозор ва биз

УЙҒУН МАНФААТЛАР

ёки харидор кўнглига йўл топиш

Эл-юртнинг турмуш тарзи билан танишишнинг биринчи воситаси бозорни айланишдан бошланади, дейишади. Мамлакатимиз ҳаётини яқиндан билмоқчи бўлган хорижликлар тўғул уз ватандошларимиз ҳам кундан-кунга жамол очаётган бозорларимизни куриб ҳайратда қолаётганликлари сир эмас.

Замонавий услубда қуриб битказилишига 650 миллион сўмлик маблағ сарфланган Бектемир бозори очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти «Қўйлиқ» бозорининг низом жамғармаси бугунги кунда юқоридаги қиймат билан улчанади. Ҳиссадорлик жамияти таркибига айни вақтда деҳқон бозори, Қўйлиқ буюм бозори, улгуржи ҳамда мол бозорлари киради. Янги услубда қурилган деҳқон бозори ҳамда буюм бозорлари бир суръатда ишлай бошлаганига кўп бўлди. Қурилиш ишлари олиб борилаётган улгуржи бозор билан мол бозорида эса сотувчи ва харидорлар муносабатга киришиши учун барча қулайликлар яратилаётир. Хусусан улгуржи бозор теварагида узоқ йўналишларга қатнайдиган автобусларнинг шоҳ бекати қурилиб, улгуржи савдони амалга ошириш учун қурилмалар бунёд этилади. Бу ерда оғир юкларни ташишга мўлжалланган иккита авто кара ишлаб турибди. Мол бозори эса чор томондан ўралиб, асфальт йўлақчалар етқизилади. Қора моллар арқонланадиган темир устунлар ўрнатилади.

Юқоридагилар бозорнинг ташқи кўриниши, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишнинг ашёвий воситалари ҳисобланади. Лекин, Қўйлиқ бозорида, хусусан деҳқон бозорида аҳолига сифатли хизмат кўрсатишдан ташқари халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган иш-тажрибалари ҳам таҳсинга сазовордир. Биламизки, Қўйлиқ бозори пойтахтимизнинг чекка ҳудудида жойлашганлиги туфайли бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари шаҳардаги бошқа бозорлардагига нисбатан анча арзон бўлиб, табиийки бу арзон маҳсулотлар биринчи галда олиб-сотарларнинг назарига тушади. Маҳсулотлар чайқовчининг қўлига тушгандан кейин эса унинг нархи ошмасдан иложи йўқ! Бозорда деҳқонларнинг ҳуқуқини сақлаб қолиш, чайқовчи, яъни, олиб-сотарларнинг ҳукмронлигини бартараф этиш учун эса уларга фақатгина рақобатчилар воситаси билан зарба бериш мумкиндир. Қўйлиқ бозорида фаолият кўрсатаётган Савдо-харид корхонаси ана шу рақобатчилик вазифасини ҳақли равишда бажараётган тараф ҳисобланади. 18 нафар ходимдан иборат бўлган Савдо-харид корхонаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштираётган хўжаликлар билан мавсум бошида фьючер шартномаси тузади. Ҳосил йиғиштираётган даврда маҳсулотлар арзон нархларда тўғридан-тўғри бозорга келтирилиб сотилади. Аниқ маълумотлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, мазкур корхона Паркент туманидаги «Гўлбоғ» халқ корпорацияси билан сабзавот маҳсулотлари учун 650 минг сўмлик, «Иттифоқ», «Мирзо Улуғбек», «Й. Охунбобоев» номидаги жамоа хўжаликлари билан 2,1 миллион сўмлик фьючер шартномаси тузган. Ана шу иқтисодий алоқалар самарали ишлаётгани натижаси уларок Қўйлиқ деҳқон бозорида карамнинг нархи 6 сўм, қовоқ нархи 7 сўм, картошка 25 сўм бўлиб турибди. Корхона ходимлари харидорлар диққат назарига тушиш учун маҳсулотлар сифатини яхшилашга, бундан ташқари бозорда савдо қилаётган вақтда осма гувоҳномалар тақиб ишлашга чоғланганлар.

Қўйлиқ деҳқон бозорида бир кунлик тушим ва хизмат ҳақлари ўртача ҳисобда 200 минг сўмни ташкил этади. Бозорда савдо қилаётганлар билан бозор ходимлари орасида ўзаро ишончли муносабатларни ўрнатиш йўлида ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, деҳқонларда паттачиларга нисбатан бирон-бир шубҳа-гина туғилмаслиги учун бозордаги 2-3 та бўлим учун 1 донадан касса аппарати ўрнатиш тадбири қўлланаётир. Бу тадбирнинг бошланганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аксарият бўлимларда патта пулини ҳозиргача паттачилар йиғиб келишмоқда. Лекин бозор бўлимларида савдо қилаётган шахсларнинг ҳаммаси патта маблағини касса аппаратига топшираётган бўлишса, ортиқча шубҳалар ҳам тарқалади. Қолаверса, бундай манзара замонавий бозор талабларига ҳам тўла жавоб берадиган бўлади.

— Бозоримизда маиший масалаларни ҳам ижобий ҳал этиб бораётирмиз, — дейди Бектемир бозори очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг режалаштириш бўлими бошлиғи А. Носиров. — Вилоятлардан келиб савдо қилаётган деҳқонларимиз учун 20 ўринлик меҳмонхона барча қулайликлари билан хизмат қилиб турибди. Бозор ичида модалар ателъеси, сартаройхона, суратхона, соатсоз, калитсоз, чарҳчи ва косиблар ишлаб турибди. Халқ банкининг бўлими ҳам бор.

Албатта Қўйлиқ бозори пойтахтимизнинг энг гавжум, «келди-кетди»си ниҳоятда кўп бўлган бозорларидан ҳисобланади. Шунинг учун бозор ҳудудида 1 та ҳаммом, 1 та таҳоратхона, 20 тадан ортиқ аёллар ва эркаклар ҳожатхонаси, 25-30 киши сиғадиган намозхоналар мавжуд. Бу маиший иншоотлар халқ ҳоҳиш иродаси билан янги бозор қурилиши натижасида бунёд этилган.

Қуриниб турибдики, бозорда ҳам ишлаб чиқариш корхонасида, завод-фабрикада бўлгани каби ҳаёт қайнайди. Бу корхонада сотувчи ва харидорлар манфаати қайсидир нуқталарда бирлашиб кетишини ҳам кузатиш мумкин. Ана шу уйғун манфаатлар мутаносиблиги учун курашиш эса ҳамманинг вазифасидир.

Н. АЛИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Иқтисодий билимлар ҳаммага керак

ИҚТИСОДИЁТДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР

(Давоми, боши ўтган сонларда.)

Ўзбекистон Республикасининг табиий шарт-шароитлари ва ресурслари, бу ерда илгаридан яратилган ишлаб чиқариш воситалари, хўжаликнинг қарор топган таркиби аҳолининг меҳнат малакалари алоҳида ўзига хос хусусиятларига эгадир ва республикада техниканинг ривожланиб бориши ҳамда ишчи кучи билан юксак даражада таъминланганлиги асосида бутун катта имкониятларни очиб беради. Қуйидаги асосий минтақавий хусусиятлар Ўзбекистон иқтисодиётини узоқ муддатга ривожлантириш йўналишини белгилаб беради:

— аҳолининг, бинобарин, меҳнат ресурсларининг юксак суръатлар билан ўсиши;

— бой минерал-хом ашё базаси;

— анча бой ёқилғи-энергетика ресурслари табиий газ ва гидроэнергиянинг мавжудлиги;

— халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини ошириш зарурати;

— ишчи касбларидаги малакали кадрларнинг етишмаслиги;

— ўрта ва майда корхоналарнинг жуда кўплиги.

Ўзбекистоннинг Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш ихтисослашувида собиқ СССРнинг асосий пахта базаси сифатидаги роли бу ерда саноатнинг энг аввало пахтачилик билан боғлиқ тармоқларини энергетика, машинасозлик, кимё, пахта тозалаш, тўқимачилик, ёғ чиқариш ва бошқа тармоқларини яратиш ва ривожлантиришни шарт қилиб қўйди. Улар ўз навбатида саноатнинг бошқа тармоқларини вужудга келиши ва ривожланишига ёрдам берди. Булар ёқилғи, металлургия, қурилиш материаллари ва қурилиш индустрияси, шунингдек, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларидир.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг пахтадек энг муҳим техника экинини экишга ихтисослашганлиги улкан иқтисодий тизим — йирик ҳудудий ижтимоий-иқтисодий таркибдан иборат бўлган халқ хўжалигининг агросаноат пахта мажмуининг вужудга келиши ва шаклланишини белгилаб берди. Мазкур мажмуада пахтачилик билан уйғун ҳолда энергетика, машинасозлик, кимё саноати, қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишловчи тармоқ, пиллачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, картошкачилик ривожланиб борди.

Саноат Ўзбекистон халқ хўжалигининг йирик тармоғи ҳисобланади. Кўпи билан 1000 киши ишлайдиган корхоналарнинг бисёрлиги республика саноатининг ўзига хос муҳим хусусиятларидандир. Саноат ва қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқлари эди.

Ҳозирги вақтда ёқилғи-энергетика, енгил металлургия, машинасозлик ва метални қайта ишлаш ҳамда озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноатнинг етакчи тармоқлари ҳисобланади.

Саноатда автомобилсозлик, радиотехника, алоқа воситаларини ишлаб чиқариш ва бошқа тармоқлар ҳам пайдо бўлди. У жадал суръатлар билан ўсмоқда. Асакадаги, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида қурилаётган автомобиль заводлари жиҳозланиши жиҳатидан энг замонавий корхоналар бўлиб, автомобиль ишлаб чиқаришнинг илғор технологияларидан фойдаланилади. Улар ишлаб чиқараётган автомобиллар жаҳон бозорида рақобатбардош бўлиб саналади.

Ўзбекистон енгил саноати республика иқтисодиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. У саноат ялпи маҳсулотининг бешдан бир қисмини беради. Енгил саноатнинг хилма-хил тармоқлари: тўқимачилик, чиннисозлик, пахта тозалаш, ипак йигирув, тикувчилик, трикотаж, кўнчилик, пойафзал ва бошқа тармоқлари ишлаб турибди.

Пахта тозалаш маҳсулот ҳажми жиҳатидан енгил саноатнинг энг йирик тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ корхоналари қишлоқ хўжалик хом-ашёси (пахта)га дастлабки ишлов беради. Тармоқ маҳсулоти — пахта толаси дунёнинг жуда кўп мамлакатларига чиқарилади. Пахта тозалаш саноатининг механизациялашган анча йирик заводлари республиканинг барча вилоятларида жойлашган. Ҳозирги пайтда трикотаж саноати етарли даражада яхши ўсмоқда. Кўнчилик саноати заводлари бир томондан хом-ашё базаларига, иккинчи томондан йирик пойафзал фабрикаларига боғлаб қўйилган. Республикамизда пойафзал саноатининг 30 дан ортиқ корхоналари мавжуд. Улардан энг йириклари Тошкентдаги 1 ва 2, Фарғона, Андижон, Қўқон, Чирчиқ, Янгийўл фабрикалари бўлиб, булар республикада ишлаб чиқарилган пойафзалнинг катта қисмини беради. Корхоналар ҳозирги вақтда пойафзал ишлаб чиқаришнинг замонавий технология ва техникалари билан жиҳозланган.

Ўзбекистон озиқ-овқат саноатида ялпи маҳсулотнинг 82,4%, асосий фондларнинг 85,1% ва ишчиларнинг 79,4% майда ва ўрта корхоналар улушига тўғри келади. Республика озиқ-овқат саноати кўп тармоқлидир. Ёғ, нонпазлик, гўшт-сут, виночилик, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ тармоқлар энг йириклари ҳисобланади. Умуман ялпи саноат маҳсулоти ҳажмининг 7,8 фоизи бу тармоқ зиммасига тўғри келади. Озиқ-овқат саноати ривожланиши учун етарли даражада хом-ашё базасига эга.

Ишлаб чиқариш қувватларини ошириш билан айни бир вақтда Ўзбекистон озиқ-овқат саноати энг муҳим тармоқларининг бир жойда тўпланиши ҳам кучайди.

Ўзбекистон озиқ-овқат саноати ўзининг ривожланиш даврида анчагина ютуқларга эришди. Аммо тармоқнинг бугунги аҳволи ва ривожланиш даражасининг таҳлили натижасидан қуйидаги камчиликлар борлиги аён бўлди:

— тармоқ таркибининг такомиллашмаганлиги бу энг аввало республикада етиштирилаётган асосий қишлоқ хўжалик хом-ашёси: чигит, гўшт, сут, сабзавот, мевалар, узумни қайта ишлаш учун ишлаб чиқариш қувватларининг етишмаслигида кўринади;

— тармоқнинг йирик корхоналарини жойлаштиришдаги камчиликлар. Юкларни ташишда ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйилаётганлиги, хом ашёни уз вақтида ташиб келтирилмаслиги оқибатида технологик тартиб (режим)ларнинг бузилиши ана шу камчиликлар билан боғлиқдир.

— механизациялашган ва автоматлаштирилган йирик корхоналар афзалликларидан етарли даражада фойдаланилмаслик;

— ишлаб чиқариш жараёнларида, айниқса ёрдамчи ишларда механизациялаш ва автоматлаштириш даражасининг пастлиги.

Қурилиш материаллари саноати тармоғида кичик ва ўрта корхоналар саноат асосий фондларининг 80,6%ни, ишчиларнинг 86,1%ни ташкил этади. Тармоқ ялпи маҳсулотининг 79,1%ини ишлаб чиқаради.

Ўтказилган таҳлилга таяниб, республика саноатининг кўпгина тармоқларида анчагина кичик ва ўрта корхоналар мавжуд, деган хулоса чиқариш мумкин. Бу корхоналарнинг ривожланиши ҳозирги замон саноатининг объектив техникавий ва иқтисодий шарт-шароитлари билан белгиланади.

Кичик ва ўрта корхоналар республиканинг кичик ва ўрта шаҳарларидаги меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилашга ёрдам беради; улар аҳолини бир текис жойлаштириш билан боғлиқ ижтимоий муаммони, кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш муаммосини муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

Улкан хом-ашё ва меҳнат ресурсларининг борлиги, мавжуд камчиликларни тугатиш зарурати республиканинг ўзига хос шарт-шароитларни ва омилларни ҳисобга олган ҳолда саноат ишлаб чиқариш структурасини жадал ривожлантириш ва янада такомиллаштиришни тақозо этади. Бу шарт-шароит ва омиллар саноат ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришнинг хусусияти ҳамда йўналишига жиддий таъсир кўрсатади. Бу эса айни ҳозирги вақтда — Иттифоқнинг тарқалиб кетиши муносабати билан Ўзбекистон ўзининг барча муаммолари билан юзма-юз қолиб кетган бугунги кунда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Хўжаликнинг тўла-тўкислигини, яъни ишлаб чиқариш воситаларига ва истеъмол молларига республика ичидаги эҳтиёжларни қондирувчи саноат корхоналари уларга бўлган талаб даражаси доирасида ривожланиши керак. Буларга ёқилғи-энергетика, машинасозлик (биринчи галда пахтачилик билан боғлиқ машинасозлик), минерал ўғитлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик хом ашёсига бирламчи ишлов бериш, истеъмол моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқа тармоқлар киради.

Маҳаллий хом-ашёда ишловчи ресурс тармоқларнинг ривожланишини асосан уларнинг меҳнатга нечоғлик эҳтиёжмандлигига қараб йўналтириш керак. Шу нуқтаи назардан қараганда тоғ рудаси, рангли металлургия, тўқимачилик, консерва, электротехника, электрон, радиотехника, асбобсозлик ва бошқа тармоқларни ривожлантириш анча кўп самара беради.

Ўзбекистон саноатининг алоҳида ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олганда истиқбол учун қуйидаги минтақавий ижтимоий иқтисодий вазифалар олдинга сурилади:

— мавжуд корхоналар (айниқса қишлоқ хўжалик машинасозлиги, ирригация машиналари, асбобсозлик, автомобиль, радиотехника, электрон, электротехника саноати) ва машинасозликнинг бошқа тармоқлари корхоналарини реконструкциялаш ҳамда кенгайтириш, жуда кам меҳнат талаб қиладиган янги корхоналарни бунёд этиш, шунингдек, минтақанинг бой хом ашё ресурсларига таянган рангли металлургия ва химия саноати корхоналарини жадал суръатлар билан ривожлантириш;

-қурилиш материаллари саноати ва қурилиш индустриясининг устувор ривожланишини, қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш базасини бошқарувини таъминламоқ керак;

— енгил саноатни бундан кейин ҳам тез суръатлар билан ривожлантириш ва шу мақсадда республика ҳудудида янги ип-газлама, ипакчилик, мовут, гиламдўзлик, пойафзал, чиннисозлик ва бошқа корхоналарни жойлаштириш;

— қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг мавжуд ресурсларидан имкони борича тўла-тўкис фойдаланиш учун озиқ-овқат саноати, виночилик, гўшт-сут ва бошқа тармоқларни жадал ривожлантириш ва озиқ-овқат маҳсулотларини четдан келтиришни камайтириш;

— малакали ишчи кадрларни тайёрлашни кескин кўпайтириш.

Бу вазифаларнинг ижобий ва ўз вақтида ҳал этилиши республиканинг мавжуд имкониятларидан анча оқилона фойдаланишни яхшилаш ва иқтисодий ривожланиш суръатларини тезлаштиришга замин яратади.

Садир САЛИМОВ, профессор.

Одамийлик сабоқлари

ЁМОНЛИКЛАРНИНГ КАЛИТИ...

Бир боғни бустонга айлантириш учун қанчадан-канча меҳнат қилиш ва машаққат чекиш керак булади. Оила ҳам бир боғ мисол.

Унга жон куйдириб, уйимжойим демасанг, оила ҳам қаровсиз боғ каби бўлиб қолади. Оиланинг боғбонини ота деб ҳисоблаймиз. Умр йўлдошига суянчиқ буладиган ҳам, болаларига тўғри йўлни курсатиб, халол яшашни ургатадиган ҳам оила устуни ҳисобланмиш отадир.

Шундай оталар борки, фарзандларининг барисини уйлижойли қилиб, атрофидаги одамлардан мақтов сўзлари эшитадилар. Лекин яна шундай оталар борки, улар боғни бустонга айлантириш урнига бир онлик носос ҳаракатлари туфайли эндигина қад тиклаётган оила иморатини вайронага айлантирадилар. Булар ичкиликка ружу қўйган оила бошлиқларидир. Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбаримиз хадисларида шундай дейилган: «Ароқдан сақланинглар, чунки у барча ёмонликларнинг калитидир. Ичкиликка ружу қўйган одамнинг ҳаёти ҳеч қачон яхши булмаган. Чунки маст кишилар шайтон билан дўст тутинишади. Шайтон оралаган жойда эса ҳеч қачон файзу барака булмаган. Расулуллоҳ саллолоҳу алайҳи васаллам шайтонга берган саволларининг ичида шундай савол бор экан:

— Эй лаъин (шайтон) сенинг ётоқдаги дустинг ким? Шайтон шундай жавоб берибди: — Маст, сархуш, ароқ ичувчи.

Шароб сўзи арабчадан олинган булиб, «шар» сўзи аслида «ёмон» дегани «об» эса кўпчиликка маълум бўлган сув демакдир. Демак, бундан шундай хулоса чиқариш керакки, шароб — ёмон сув дегани экан.

Ичкиликка ружу қўйишнинг ёмон томонлари ҳақида қадим қадимдан ривоятлар ҳам тўқилган. Айтишларича, кунларнинг бирида бозорда тусатдан подшоҳ пайдо бўлиб «енгилдим», «енгилдим» деб овозининг борича шовқин солиб, уёқдан буёққа юра бошлабди. Ҳайратланган халойиқ эса ҳеч нарсага тушунмасмиш. Подшоҳ охири чарчаб чойхонага кириб чой буюрибди. Шунда бир донишманд киши подшоҳдан сурабди:

— Подшоҳим, қаршингизда тўпланган халойиқ таажжубда. Сиз ютгиз йилдирки, тахтда утирибсиз, урушларда бирор марта енгилганингиз йўқ, қолаверса сиз қудратли подшоҳ сифатида шуҳрат қозонгансиз. Буни ҳамма яхши билади. Бу ташвишингизнинг боиси нима?

Гапларингиз тўғри, дебди подшоҳ. — Лекин мен кейинги вақтларда давлатни бошқариш ўрнига ичкилликка ружу қўйдим. Натижада оилам ва сарой аҳлларининг жонига шу қадар тегибманки, улар бугун мени тахтдан маҳрум қилиб, кучага ҳайдаб юборишди. Шундагина ичкилик мени қуйдирганлиги ва шарманда қилганини англадим. Узоқ йиллар давомида не машаққат ва куч-ғайрат билан қўлга киритган ғалабалар ва ҳокимият осонгина қўлимдан чиқиб кетди. Айниқса, хотиним ва фарзандларимнинг мендан юз ўгирганларига ҳеч чидай олмайман. Чуқурроқ ўйласам уларда ҳам айб йўқ, ҳаммасига ўзим сабабчиман. Ким менга ичманг, оқибати ёмон булади, деса ўзимга душман, деб билдим. Ҳатто бу ишда менга қаршилик қилган умр йўлдошим, подшозодалар, сарой амалдорлари ҳам жазо олдилар, уларни ўзимдан четлатиб юбордим. бу ҳам майли-я, умрида шаробни оғзига олмаган кишиларни ичишга мажбур қилдим. Оқибатда атрофимга ичкилик ва маишатга берилган кишилар тупланиб қолишди. Мамлакатда ўзбошимчалик ва талон-тарож авжига чиқди. Ҳеч ким мени назар-писанд қилмай қуйди. Шу тариқа ичкилик мендай кудратли подшоҳни енгди.

— Ҳўп, булар иш бўлибди, нима учун сиз бозорда ўз сирингизни ошкор қилиб юрибсиз? — дебди донишманд.

— Тўғри, бу ишим шармандалик. Лекин одамлар билиб қўйсинки, мендек қанчадан-қанча қўшинга, мол-мулкка ва тахтга эга булган подшоҳ ичкиликдан енгилганидан кейин, оддий одамларнинг ундан енгилиши ҳеч гап эмас «Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр» деган мақол бежиз айтилмаган экан.

Подшоҳ урнидан туриб яна енгилдим, енгилдим деганича, пешонасига уриб тўғри дарё томонга бораверибди. Айтишларича, ичкилик унинг бор иродасини йўқотган, у чорасиз қолиб, тахт учун курашишга ҳам ожизлик қилиб ўзини дарёга ғарқ қилган экан.

Бу воқеани курган донишманд халойиққа дебди:

— Халойиқ кўрдингизки шоҳни ҳам гадони ҳам аямас экан. Ундан бирорта одам соғ қолган, яхшилик кўрган эмас. Подшоҳнинг бу қилмиши унинг ўзигагина эмас, балки бутун мамлакатга катта иснод. Подшоҳ ҳам ичаяпти-ку деб фуқаролар орасида ичувчилар кўпайиб кетди, бозорларда шаробхоналар сони ортди.

Бу ривоятдан шуни хулоса чиқариш мумкинки, оила бошлиги ичаверса фарзандлари ҳам ичкиликка урганади. Улар «шогирд устозидан ўзади» деганларидек, ичкиликнинг чинакам қули бўлиб қолади. Қолаверса доим ичкилик ичиб, кучада маст аласт юрган отани кўрганлар фақат унинг ўзини, балки унинг оила аъзоларини ҳам ҳурмат қилмайди. Болаларини куча-куйда кўрса қули билан кўрсатишади. Натижада болалар отаси туфайли бошини эгиб юришга, уртоқларига қушилолмай қолиш даражасига етишади. Ичкиликка муккасидан кетган отани хатто ўз фарзандлари ҳам ҳурмат қилмай қуйишади. Ҳатто шундай оталар борки, уй-рузғор учун керак булган нарсаларгача сотиб ичишади. Бундайларнинг уйи худдди зиндонга ўхшайди. Болалар ёшларига нисбатан ё эрта улгайишади ёки куча безори булиб улгайишади. Ичган киши нафақат узига балки атрофидагиларга ҳам катта зарар келтиради. Халқ уртасида бир гап бор: «Биринчи қадаҳни ичган киши шерга айланади, узини шер каби тутади гўёки бу дунёда ундан зур йўқдек, иккинчи қадаҳни ичган одам маймун миеоли булади. Ҳар хил гапларни гапириб, ҳар хил қилиқларга эрк беради. Қандай қилиқ қилиб, намани гапираётгани билмай қолади. Учинчи қадаҳдан кейин киши чучқа мисоли булади.

Унга ерми, балчиқми, лойми барибир. Уриниб, суриниб дуч келган жойда ётиб қолаверади.»

Хулоса урнида шуни айтиш мумкинки, ароқ барча ёмонликларнинг, калитидир.

Шарқ ҳикоятлари асосида
Барно СУЛТОНОВА тайёрлади.

Психолог ҳузурида

Тасалли

Ҳаётимизнинг ҳар бир кунида қувончли ёки нохуш воқеалар содир бўлиб туради. Айниқса, одамда нохуш кайфият пайдо бўлганда ғам-ташвишли аҳволга тушиб қолиши медицина тили билан айтганда «стресс» дейилади.

Стресс - ҳаддан ташқари зўриқиш натижасида организмда буладиган умумий танглик ҳолати. Стресс таъсирида касалликлар пайдо бўлади. Чунончи, гипертония билан касалланган беморда стресс оғир кечади. Ҳатто меъда ёки ичаги яллиғланган кишиларда яралар пайдо бўлади. Стресс натижасида юрак мускулида ҳалок бўлган кичиккичик қисмлар вужудга келади. Одамнинг руҳан эзилиши, кўнглига оғир ботадиган кечинмалар бу дарднинг бошланишига туртки бўлади.

Асабийлашиш, руҳий жиҳатдан зўриқиш туфайли қон босими ҳам ошиб кетиши мумкин.

Стресс ҳолатидаги одам ўзини ўзи идора қилолмай қолади. Баъзан дунё кўзига қоронғи кўриниб, ҳамма нарсага лоқайд қарай бошлайди. Агар шу ҳол давом этаверса, киши ўзини ўзи абгор қилиши мумкин.

Ҳар қандай воқеага босиқлик билан ёндошадиган, қандай нохушлик бўлмасин, ўта хотиржамлик билан қабул қиладиган ва ўша нохуш вазиятдан ҳеч кимга ва ўзига ҳам зарар келтирмай чиқиб кетадиганлар бор. Яна бир хил одамлар жуда ҳиссиётга берилувчан, тез тушкунликка тушадиган ҳар бир майда-чуйда нарсаларга эътибор берадиган сезгир бўладилар. Натижада, шу тоифадаги одамлар ҳар хил касалликларни орттириб оладилар.

Инсон борки, бошидан ҳар хил яхши ёмон кунларни ўтказади. Ана шундай ёмон кунлардан бири хоҳаймизми, йўқми ўлим билан боғлиқ бўлган мудҳиш йўқотишларда инсон ўзини қандай тутиши керак?

Кўпчилик яқин одамини йўқотганда гўёки унинг учун ҳам яшашнинг қизиғи қолмагандек туюлади. Йўқ, аслида ундай эмас. Мана шундай пайтда инсон ўзига-ўзи тасалли бериши керак. Қанчадан қанча буюк одамлар бу дунёни ташлаб кетаётганларини, бошқа кишиларнинг бошидан бундан баттар кўргиликлар ўтганини, яъни бир кунда оила аъзоларининг барчасидан айрилиб қолганини кўз ўнгидан ўтказиши керак. Ўлим барҳақ. Шоир айтганидек:

Ўлим ҳар лаҳзада кутади ахир
Умр озми, кўпми битади ахир.
Фалончим ўлди, деб мунча куясан,
Ўлим кимдан кечиб ўтади ахир.

Яна бир ривоятда айтишларича, Сулаймон пайғамбардек ҳамма нарсага эришган одамнинг ҳам баъзида қайғули кунлари бўларкан. Ана шундай пайтда Сулаймон пайғамбар қўлидаги узугини айлантириб томоша қиларканда, ўзига-ўзи таскин бераркан. Ўша узукда «Бу ҳам ўтади» деган ҳикматли сўз бор экан. Шунга ўхшаш ҳар бир киши ғам-ташвишлар билан юзма-юз бўлганида «Бу ҳам ўтиб кетади» деган сўз билан ўзини ўзи юпатиши керак.

Умуман олганда инсон кечинмалари жуда мураккаб нарса. Энг асосийси, шундай нохуш ҳолларда ҳиссиётларга эрк бермасликдир. Ҳар бир киши янги тонгни қарши оларкан, «менинг кайфиятим яхши, ишларим кўнгилдагидек, бахтлиман дейиши» ёки қийинчиликлар пайдо бўлганда «ҳаммаси яхши бўлади, бундан ҳам ёмон бўлиши мумкин эди-ку, деган сўзлар билан ўзига ўзи тасалли берса ўша нохушлик ўзи ўйлаганидек даҳшатли эмаслигини англаб етади. Зеро, тасалли ҳам ярим бахтдир.

Худоёр ОЛИМОВ,
профессор.

Турмуш чорраҳаларида

ҚАРИНДОШДАН КУЁВ ЯҚИНРОҚМИ

Яқинда бир ҳамқишлоғимиз бевақт вафот этди.Жаноза уқиган марҳумнинг қариндош-уруғларига юзланиб: «Марҳумнинг болалари балоғат ёшига етмаган экан, уни маъракаларини утказишни қай бирингиз бўйнингизга оласиз?» — деди. Лекин ҳеч ким индамади. Имом овозини бир парда кутариб яна саволини такрорлади. Бу сафар ҳам ҳеч ким индамади. Имом яна овози қалтираганича мажбуран саволини такрорлади. Яна жимлик. Мулзам бўлган имом йиғилганларга қараб: «Агар кимда-ким марҳумнинг маъракаларини утказишни ўз бўйнига олса ёки оладиган одам топилса, алоҳида айттирилади» — деди-ю фотиҳага қўл кутарди.

Савол туғилиши мумкин: «Нега марҳумнинг маъракасини утказишни бўйнига оладиган одам топилмади. Ёки у ёмон одамми?» Минг ёмон бўлганда ҳам .. Бу воқеани ҳамма гапирди. Эл билиб-билмай гапирмайди...

Улар оилада 4 ўғил ва бир қиз эдилар. Каттаси шу марҳум Собир ака уқишни битказиб, жамоа хужалигида иш бошлаган йиллари отаси қазо қилди, 3-4 йилдан кейин эса онаси ҳам вафот этди.25 ёшли Собир ака оиланинг бошлиғига айланди. У энди ҳам ота, ҳам она, ҳам ака эди. Ўз ишини пухта-пишиқ бажаргани учун тезда бош ҳисобчи бўлди. Баъзи бировларга ўхшаб яхши пул топса ҳавога совурмасдан тийин-тийинигача ҳисоблаб, уқишини тугаллаб, келган укасини даромади яхши жойга жойлаштирди. Бухорода уқиётган ўртанча укасига ҳар ойда пул жўнатиб туриш ҳам Собир аканинг зиммасида эди. Ҳуллас, уларни оёққа турғазгунча Собир ака тиним билмади. Ҳаммасини уйли-жойли, ишли қилди. Синглисини яхши жойга узатди. Қўлидан келганча уларни укситмади, бировдан кам қилмади. Лекин узининг кўнгли ярим бўлиб қолаверди, фақат биттагина қиз берди унга худо.

Собир ака укаларига шунча яхшилик қилган экан, нега укалари уни қадрламади?

Эмишки, Собир аканинг катта укаси билан ораларининг бузилишига машина сабаб бўлганмиш. Қандли диабет касалига чалиниб, турли шаҳарларга даволанишлар қулини калта қилиб қуйди. Иқтисоди чатоқлашгандан кейин янгигина машинасини сотмоқчи бўлди. Катта укаси машинани сотиб олмоқчи бўлгандаака ука айтган нархдан 10 минг сум юқори нархда бошқа бир кишига сотиб юборади. Укаси эса аччиқланиб, ака билан борди-келдини йиғиштирди.

Айтишларича, ўртанча укасининг хотини шаддодроқ экан: «Акангиз сиздан бошқа укаларига ёрдам беради, биттаси РАПОда, биттаси солиққа ишга жойлашган, сизчи, бир мактабга завучсиз, уларнинг топиши билан узингизнинг топишингизни солиштириб кўринг. Нега сизни тушуми яхши буладиган жойда уқитмаган?» — дея акадан укани бездирган. Бир уртоғи унга: «Шу акангнинг маъракасини утказишни зиммангга олсанг бўларди», деган маслаҳатига, «кимни яхши кўрган бўлса, шулар зиммасига олаверсин» деб жавоб берган.

Кенжатой ука эса, отадан қолган уй-жойга даъвогарлик қилиб, ака билан юз кўрмас бўлиб кетган. Анъанага кўра ота уйи кенжатойга қолиши керак. Собир ака ота уйини тиклаб, ёнига хоналар қўшиб янгигина иморат тиклаган, кенжа укага бошқа янги ҳовли қилиб берган. Бунинг натижасида кимлардир кенжа укага гап ургатган, жанжал шундан келиб чиққан.

Укаларнинг ҳаммаси топармон-тутармон. Лекин улар аканинг қадрига етмадилар. Ака туфайли шу даражага етганларини унутдилар. Бир қориндан талашиб тушган қориндошлар акани тириклигида қадрламаган булишса, уликлигида хор қилдилар. Наҳотки, инсон қадри шунчалар паст бўлса. Нафсу ҳирс қариндош-уруғларни бир-биридан шундай ажратса..

Жанозанинг эртаси куни бошқа бир маъракада имом: «Яхшилар Собиржоннинг укалари қилган ишлари яхши бўлмади. Бу воқеа жамоамиз шаънига уят. Шу гап шу ерда қолсин. Бугун эрталаб Собиржоннинг куёви Маҳмуджон келиб, жанозадаги суроқ пайти, марҳумнинг тобутини кўтариб қабристонга кеттанини ва қайноғаларининг қилмишидан бехабар қолганини айтиб, кўп хижолат бўлди ва Собиржоннинг бутун маъракаларини ўз бўйнига олди» — деди.

Йиғилганлар енгил нафас олишди...

* Хоразмда бошқа вилоятлардан фарқли улароқ, имом марҳумнинг қарзи, маъракалари тўғрисидаги саволни жасад қабристонга олиб кетилгандан кейин беради.

Ж.НУРМАМАТ

Cho'pon Ali

O'tgan zamonda bir zolim xon bo'lgan ekan. Xonning qirqta xotini bo'lsa ham farzandi yo'q ekan. Oxiri xon qarigan chog'ida kenja xotinidan bir og'il ko'rinti. O'g'lini yeru ko'kka ishonmay, ko'zining qorasiday saqlab o'stiribdi.

Yigit aqli raso, odobli, qomatlari kelishdan, rahmdil bo'lib yetishibdi. Podsho o'g'lining rahmdilligidan g'azablanar ekan, lekin nima qilishini bilmas ekan. O'g'li bilan so'zlashgan odamlarni o'ldirtirar ekan.

Kunlarning birida shahar chetidagi o'rmonda bir yovvoyi to'ng'iz naydo bo'lib qolinti. To'ng'iz dalalarni payhon qilib, ekinlarni xazon qilaveripti. U bilan olishgan ko'plab kishilar ha-lok bo'liptilar. Shahzoda ham to'ng'iz bilan olishgani bormoqchi bo'lib, otasidan ruxsat so'rapti. Lekin otasi bu gapni eshitgisi ham kelmapti. Shunda shahzoda yashirincha kiyinib, qurol yarog'ini olipti va soqchi-larga:

– Agar men uch kun ichida qaytib kelmasam, halok bo'lgan bo'laman, – deb jo'nab ketipti.

Podsho o'g'li ko'rinmay qolganidan xovotirlanib, uni surishtiribdi. Soqchilardan biri shohzodaning gaplarini shohga yetkazibdi.

Podsho bu gapdan g'azabga kelib:

– Tezlik bilan o'rmonga boringlar va o'g'limni topib kelinglar. Kimki xunuk xabar keltirsa, qornini yorib, qo'rg'oshin qo'ydiraman, – depti.

Xizmatkorlar yigitni qidirib, o'rmonga ketiptilar. Yigit esa ikki kun yovvoyi to'ng'iz bilan olishipti. Uchinchi kuni to'ng'iz unini tilka-pora qilib tashlapti. Xizmatkorlar yurib-yurib yigitning parcha-parcha bo'lib yot-gan jasadining yonidan chiqib qolipdilar. Bu xabarni podsho-ga qanday yetkazishni bilmay, toqqa chiqib ketiptilar. Tog'da bir qo'shiqchi cho'pon Ali di-gan kishi yashar ekan. Xiz-matkor-lar voqeani Aliga aytiptilar. Ali:

– Sizlar dam olib turinglar. Men bu xabarni yetkazish yo'lini o'ylab topaman, – depti. Xizmatkorlar dam olish uzun yotiptilar. Ali esa bir daraxtni kesib, undan qorni yoriq dutor yasabdi. Dutor tayyor bo'lgach, dutorning torlarini sozlab, mungli kuy chala boshlapti. Dutorning nolasidan, podsho o'qli halok bo'lganini anglapti. Va "jallod" deya qichqiripti g'azab bilan. "Labbay, shohim", deb jallodlar hozir bo'liptilar.

– Xunuk xabar keltirganlarning qornini yorib, qo'rg'oshin quy, – deb buyuripti podsho.

– To'xtang, shohim, – depti shunda cho'pon Ali, – sizga bu xabarni odamlar emas, dutor yetkazdi. Qo'rg'oshinni dutorning qorniga quying.

Noiloj qolgan podsho dutorning qorniga qo'rg'oshin g'uydirgan ekan.

M. G'ulomov tayyorladi.



Узоқ яшаш сири

Кўп йиллик тажрибаларга суянган ҳолда машҳур ҳинд шифокори Х.Р.Нагендра узоқ яшашнинг сирларидан бири камроқ чуқур нафас олиш ва камроқ овқат ейишдир, деган хулосага келди. Оддий нормал одам минутига 15-16 марта нафас олиб чиқарса, бир асрдан ортиқ умр кўрганларда бу жараён 10-12 марта такрорланади. Камроқ, секин нафас оладиган кишиларда мушаклар енгил бўшашади. Улар босиқ характерли, соғлом фикр қиладиганлар тоифасига кирадилар. Бундан ташқари улар бошқаларга қараганда камроқ овқат ейдилар,-деб таъкидлайди Нагендра.

Докторнинг гувоҳлик беришича, кўп овқат истеъмол қилганда, уни ҳазм қилиш учун ҳам кўпроқ энергия сарфланадики, бу умрнинг қисқаришига сабаб бўлади. Нагендра бу фикрини исботлаш учун ҳамиша кам овқат еб, овқатдан ўзини тиядиган, кўпинча рўза тутадиган монахларни мисол қилиб келтиради.

Бошқа мисоллар ҳам унинг фикрини тасдиқлайди. Масалан ҳозирги Хитойдаги энг узоқ умр кечирувчи Гуйч Жоуда яшовчи 146 яшар деҳқон - Гун Лайфа доимо кам овқат истеъмол қилган экан. У кунига икки марта 250 граммдан гуруч еяр экан. Бўйи 145 сантиметрли бу қариянинг оғирлиги 30 килограмм ҳолос. Шунга қарамай, у ҳамиша тетик ва хушчақчақ. Дориларни умуман ичмаган. Қачон касал бўлганлигини эслолмайди ҳам.

Ана шуларни ҳисобга олиб, доктор Х.Р.Нагендра нафас олиб чиқариш тезлигини (ритмини) минутига 5 марта камайтиришни тавсия қилади. Шунда кишиларда 100 йилдан кўпроқ умр кўриш имконияти ошар экан.

Сурайё КАРИМОВА тайёрлади.

Гўзал тадбир

Бир шоир хотинлардан кулиб шеър ёзганди. Подшоҳ саройидаги аёллар, вазир, ҳаким ва бойларнинг хотинлари жуда ҳам аччиқланиб, ўз қуллари билан у бечорага жазо бермоқчи бўлдилар. Бу ниятларини подшоҳга арз қилиб, шоирни дарҳол саройга келтиришни талаб қилдилар.

Подшоҳ қабул қилиб, шоирни зудлик билан ўз ҳузурига чорлади. Уни ечинтирди ва қулига таёқ олиб хотинларга:

- Шоирни мана шу таёқ билан уриб ўч олинг, фақат бир шартим бор, орангизда ким ҳунук, бадбашара булса, энг аввал ўша хотин таёқ билан уриб ўч олишни бошлаб бериши керак,-деди. Бироз вақт кутди, хотинлардан чурқ этган товуш чиқмади, бирор хотин ҳам ҳунук, бадбашара деган номга эга бўлишни истамади.

Кейин подшоҳ табассум билан шоирга:

- Ҳеч бир хотин биринчи бўлиб таёг уриб, узини хунук деб кўрсатишни истамайди. Тур энди, кийимларингни кийиб уйингга кетавер,- деб шоирни жунатиб юборди. Шундай қилиб, оқил подшоҳ ғузал тадбир соясида шоирни аёллар ҳужумидан қутқазди.

Ибратли ҳикоятлар

Ота васияти

Донишмандлардан Абдуязид ўглига васият қилиб, шундай дейди:

- Ўглим, мол-дунё йиғишга ортиқча ҳаваскор бўлма, кунглинг тиламаган, юрагинг дов бермаган ишдан қулингни торт. Дустларинг билан маслаҳатлашиб иш бошла. Яхши билан ёмонни, дуст билан душманни ажрат, раҳм шафқат ва марҳаматни узингга шиор қилиб ол. Тўғри сўзла, тўғри ишла, очқўз - баджаҳл бўлма, қаноатли бўл.

Анора АЛЛАЕВА тайёрлади.

Автоҳаваскорлар диққатига

СИРПАНЧИҚ ЙЎЛДА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ҳаммага маълумки, қиш фасли автомобил ҳайдовчилар учун таҳликали фасл ҳисобланади. Совуқ қаттиқ пайтларда двигателни юргизиш қийин бўлади. Муз ва қордан яхлаган йўлдан автомобилни эҳтиёткорлик билан бошқариш маҳорат талаб қилади.

Машиналар 2 хил олдга ва орқага тортадиган бўлади. Янги чиққан «08», «09"- Жигули» «Москвич 21»,«Москвич 41» автомобиллари энг мустаҳкам, чидамли ва бир йўлдан иккинчи йўлга осон ўтиши билан бирга кам сирпанади. Булар олдга тортадиган машиналар ҳисобланади.

«06 жигули» «Газ-24», «Москвич 412» эски маркадаги автомобиллар эса ортга тортади. Шунинг учун бу автомобилларда қиш пайтида сирпаниш кўп бўлади.

Автомобилни бошқараётганда ғилдиракларнинг сирпанчиқ йўл билан яхши тишлашмаслигини ҳисобга олиш лозим. Шиналар нақшининг қолдиги қанча кўп бўлса, сирпаниш шунча кам бўлади.Кўпчилик автоҳаваскорларининг хатоси шунда, ҳар хил шиналарни битта машинага қўйишади. 2 хил нақшли шинани ғилдиракларга қўйиш мумкин, қачонки орқа ғилдиракка бир хил шина, олд ғилдиракларга бир хил шиналарни қўйганда сирпаниш ҳар хил бўлмайди. Бундан ташқари сирпаниш тормозни тез босганда, кўп газ берилганда, бурилишда руй беради. Автомобилни жойидан қузғатишда ва тезликка олиш пайтида орқа ғилдираклар бир жойда туриб айланмаслиги, жойида сирпанмаслиги учун тишлашиш муфтасини улаш газни секин кўпайтириш билан биргаликда бажарилади. Автомобилни тухтатганда одатда, тормоздан фақат ёрдамчи восита сифатида фойдаланиш мумкин. Бунда асосий огирлик двигателга тушиши лозим.

Кўпчилик автоҳаваскорлар машина сирпанаётганда рулни қарама-қарши томонга буришади. Бу нотўғри. Чунки ғилдираклар кучли босим туфайли баттар сирпанади. Аксинча, автомобил сирпанаётганда рулни оҳисталик билан сирпанаётган томонга бурилса машинанинг сирпаниши камаяди. Ана ундан кейин қарама-қарши томонга бурилса, машина ўз йўлига тушиб олади.

Яна шу нарса муҳимки, автоҳаваскорлар маҳсус мактабларда машғулотларни баҳор ва ёз ойларида ўтказган булишади. Қорли йўлларда ўқув машқи олиб бормаганликлари учун илк қор ёққанда автомобилни жуда эҳтиётлик билан ҳайдашлари керак бўлади.

Кўпчилик ҳайдовчилар автомобиль бирор жойга тиқилиб қолганда чиқараолмай қийин вазиятга тушиб қоладилар. Ана шундай вазиятга тушиб қолмасликлари учун ҳалтачада ёки бирор кичикроқ идишда қум олиб юришса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Рахим ВАФОЕВ,
Автоҳаваскорлар мактаби ўқитувчиси.

Пардозхона

Тирноқлар парвариши

Маълумки, табиат ҳаммага ҳам чиройли ва бежирим тирноқлар ато этавермайди. Ҳамманинг тирноқлари тоза ва покиза бўлишига нима етсин! Ичида кир тўпланиб қолган, ҳаддан ташқари ўстириб юборилган тирноқлар турли касалликлар учун манба яратади. Тирноқларни олиб туриш учун ҳар бир кишининг алоҳида кичик, ўткир қайчичаси бўлиши зарур. Тирноқ олишдан олдин 5 дақиқа илиқ сувга ботирилиб турилади, тирноқлар юмшагач осон ва чиройли кесилади. Ундан сўнг махсус эгов билан атрофи текисланади. Тирноқ остини лимон шарбати билан артиб туриш фойдадан ҳоли эмас.

Тирноқни қай даражада ўстириш аёлнинг дидига боғлиқ аммо ўта узун тирноқлар гўзаллик бахш этмайди.

Кўпчилик аёллар тирноқларини парваришлаб, лак суртишади. Лакнинг оқ,оқ-пуштиранг, қизил, тўқ қизил ранглари бор. Ҳатто икки хил тусдаги лакни аралаштириб мутлақо кутилмаган бошқа рангли буёқ ҳосил қилиш ҳам мумкин.

Тирноқларни бўяшда жуда ҳафсала билан ёндошинг. Лак бармоқ ён - верига тегиб қўлларингиз ҳуснини бузмасин. Тирноқдаги лак яхши қуримагунча қўлларингизни ҳаракатлантирманг.

Лак у ер - бу еридан кўчиб кетдими ацетон ёки спирт шимдирилган пахта билан артиб ташланг.

«Кристалл» лосьони ҳам яхши тозалайди. Фақат бундай пайтда оловдан узоқ туриш керак. Чунки ацетон, спирт лосьонлар таркибида спирт моддаси қўшилган бўлади.

Шуни унутмаслик керакки, тирноқларга ҳам ҳаво керак. Кўл кафти ва тирноқларга вақти-вақти билан хина боғлаш фойдалидир. Хина кўлга зеб бериб-гина қолмасдан,кўл ва тирноқларни ҳаво билан таъминлайди.

Муяссар ШАМСИЕВА тайёрлади.
Шифокор.

«Ишонч» устахонаси

Болалар учун «Кресло»

Бундай ўтирғични кўп қаватли фанерадан тайёрлаганингиз маъқул. Расмда кўрсатилган ўлчамларда креслонинг қисмларини тайёрлаб олинг. Фақатгина 3-расмдаги детал икки дона бўлишини унутманг. Сўнг, тайёр қисмларни бир-бирига киргизиб, синаб кўринг. Тақалиб қолган жойларини эговда силлиқлаб, тўғриланг. Кресло йиғиш учун тайёр бўлгач, устини лак билан қопланг. Унинг сиртига «морилка» билан ишлов берсангиз,хонадаги мебеллар рангига мос бўлади.



Ҳошимжон ЭГАМОВ.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Расмий визит билан Олмониягa келган Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев бу ерда канцлер Г. Коль ва Президент Р.Герцог билан учрашган. Иккала томон раҳбарлари олиб борган музокараларда савдо-иқтсодий масалалар билан бир қаторда атроф-муҳит муҳофазаси, Қозоғистондаги ядро полигони хусусида масалалар ҳам муҳокама қилинган.

Қозоғистоннинг Исроилдаги элчиси Б. Айтимова Марказий Осиё республикаларининг қишлоқ хўжалиги масалаларига доир ўтказилаётган конференцияда сўзлаган нутқида Исроил Қозоғистонга кейинги уч йил ичида Исроил давлатининг 133 нафар мутахассиси келиб республика қишлоқ хўжалигини ўстиришга кўмак берганлигини айтди.

***

Австриянинг пойтахти Венада икки кун давом этган Тожикистонга ёрдам берувчи давлатларнинг конференцияси ўз ишини якунлади. Бу анжуманда қатнашган республика раҳбарлари ўз олдиларига қўйган мақсадларига деярли эришдилар. Донор мамлакатлар Тожикистонга эллик беш миллион доллар ёрдам берадиган бўлдилар. Бу маблағ беш йил давом этган уруш натижасида зарар кўрган республика иқтисодиётини тиклашга сарфланади.

***

Ўтган ҳафта ўғирлаб кетилган халқаро ташкилотнинг икки ходимини қидириш давом этмоқда. Тожикистон Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими Абдураҳмон Азимовнинг айтишича, қидирув органлари 25 қишлоқдан гумон қилинган 17 кишини гаровга олганлар.

Ашаддий террорчи Ризвон Садиров хат юбориб, бу ўғирликни унинг кишилари амалга оширганликларини билдириб, агар ҳукумат камоққа олган акаси Баҳром Садиров озод этилса, ўғирланган икки чет эллик ҳам кўйиб юборилишини айтган.

Инсон манфаатлари йилида

XXI аср кишиси тақдирини ўйлаб...

Тошкент вилояти Бекобод шаҳрида қувончли ҳодиса юз берди. Шаҳар касалхонаси туғруқ бўлимида Марказий осиёда тенги йўқ тиббий ускуна ўрнатилди.

Энди Бекобод шаҳар туғруқхонаси шифокорлари Тошкент акушерлик ва гинекология институти олимларидан бир неча минут давомидаёқ бемор учун керакли маслаҳат оладилар. Чунки Бекобод туғруқхонасидаги бемор ички органлари ҳолати ҳақида бу институтга видеоинформация етказилади.

Институт мутахассислари ўз иш қабинетларида туриб мониторда Бекоболддаги шифокорлар ультратовуш ташҳис аппарати орқали беморни қай даражада кузатаётган бўлса, худди шундай ҳолатда бемор ички органларини кўриб туради. Энди бекободлик шифокорлар она ёки боланинг аҳволи оғирлашганда Тошкентдаги мутахассислардан тўлиқ малакали маслаҳатлар оладилар. Бу билан санавация чақирувлари, беморни марказий касалхоналарга олиб бориш ташвишларига барҳам берилади. Юксак самарали бу хорижий аппаратурани ўрнатиш ва фойдаланишга топшириш ишларини Ўзбекистоннинг «МДС-сервис» фирмаси амалга оширди.

Видеокўприкни ўрнатиш катта тажриба ва фидоийлик билан ишлашни талаб этади. Бу ишларни Бекобод металлургия заводи шаҳар ҳокимияти билан ҳамкорликда бажарди. Ҳокимият мазкур иш учун 30 миллион сўмдан зиёдроқ пул ажратди. Лойиҳа ташаббускори эса вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бўлди. Бундай ҳамкор ишнинг самараси ҳам яхши бўлди. Туғруқ уйи тўлиғича қайта реконструкция қилинди. 140 ўринга мўлжалланган комплекс (бу кичик шаҳар учун етарлидир) янги тиббий техника билан жиҳозланди. Ҳар бири 22 кв метрли палаталар озода ва баҳаво.

Бундан ташқари ҳар бир янги кўзи ёриганлар барча қулайликларга эга бўлган алоҳида хонада жойлашишади.

Яна бир янгилик: чақалоқ дунёга келгандан бир неча дақиқадан сўнг ўз онаси қўлига берилади ва улар туғруқ уйидан чиқиб кетгунгача бирга бўладилар. Фақат бу ўринда оғир ҳолатлар инобатга олинади.

Малакали мутахассислар она ва боланинг туғруқхонада бир жойда бўлишини бола учун ҳам, она учун ҳам фойдали деб уқтирмоқдалар.

Суратларда: Туғруқдан сўнгги муолажа бўлими. Туғруқ бўлими қайта жиҳозлангандан сўнг уни (чапдан ўнгга) бош шифокор Абдураим Абдуғафуров, катта шифокор акушер Гулчеҳра Бакирова ва бош шифокор ёрдамчиси Саодат Норбўтаевалар кўздан кечирмоқдалар.

Р.НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ •

Ҳамюртларимиздан умид катта

КИКБОКСИНГ

Бугун Польшанинг Гданьск шаҳрида кикбоксингнинг «Вако» версияси бўйича 11 Жаҳон чемпионати бошланади. Мамлакатимиз терма жамоаси таркибидан беллашувда иштирок этаётган жаҳон чемпионлари Акмал Зокиров (51 кг), Олмос Юсупов (71 кг), кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони, тайбокс бўйича Европа чемпиони Эркин Қуттибоев (91 кг), Ғазалкентнинг «Арман» спорт клубидан Дилшод Сафарметов (81), Юрий Жарков (54), шу йилги 2- ОвроОсиё чемпионатининг бронза медали соҳиби Владислав Резник (энг оғир вазнда), «Аяска» версияси бўйича жаҳон чемпиони ангренлик Бунёд Юсупов (57) ва мамлакатимиз чемпиони Шавкат Ўроқовлардир. Мамлакатимиз терма жамоаси таркибида спортчиларнинг иштирок этиши бежиз эмас. Чунки бу йигитларимиз юртимиз спорт шарафини Жаҳон рингида муносиб ҳимоя қилиб, қўша-қўша медаллар билан қайтишмоқда. Жумладан шу йилги ортда қолган мусобақалар сирасига назар ташлайдиган бўлсак, биргина 2 - Овроосиё чемпионатида ҳамюртларимиз Олмос Юсупов олтин, Акмал Акромов кумуш ва Владислав Резник бронза медалларини қўлга киритишди. Шунингдек, Бишкекда ёш кикбоксчиларнинг 3 - халқаро турниридан Асад Алиев ва Темур Муҳаммаджоновлар олтин, Илҳом Жалилов, Ҳусниддин Сатторов ва Шавкат Мирзабоевлар кумуш медаллар билан қайтишди. Бундан кўриниб турибдики, кикбоксчиларимизнинг муваффақиятлари тобора ортиб бормоқда. Бу сафарги мусобақаларда спортчиларимизга тажрибали мураббийлардан Владимир Михайлович Губин ва ғазалкентлик Арман Ахашовлар бошчилик қилишмоқда.

БОКС

Кеча Хитойнинг Буаньжоу шаҳрида бокс бўйича АИБА анъанавий халқаро турнирининг дастлабки саралаш мусобақалари бошланди. Мусобақаларда дунёнинг энг кучли ва маҳоратли чарм қўлқоп усталари иштирок этишмоқда. Мамлакатимиз боксчиларининг сўнгги йилларда катта ютуқларга эришаётгани боис бизнинг ўзбек боксчиларимиз ҳам ушбу нуфузли мусобақага таклиф этилдилар.

Республикамиз терма жамоаси 2-Марказий Осиё ўйинлари тугаши биланоқ жиддий тайёргарлик ишларини бошлаб юборишди. Турнирга иқтидорли боксчилар саралаб олинди.

Шу кунларда навоийлик Баҳром Файзиев (48 кг), Темур Сулаймонов (60 кг), андижонлик Ўткир Ҳайдаров (71 кг), тошкентлик Абдували Шомирзаев (75) ва энг оғир вазнда қўқонлик Жамол Сайфуллаевлар ғолиблик учун кураш олиб боришмоқда.

Шунингдек, мусобақада ҳакамлик қилиш учун делегациямиз раҳбари Владимир Шин билан биргаликда тажрибали мураббий Станислав Бўтаев ва Қўлдош Тожибоевлар ҳам Хитойга жўнаб кетишди. Ғолиб ва совриндорлар 30 ноябрь куни маълум бўлади.

Дониёр ЮСУПОВ.

Самарқанд хабарлари

ПРЕЗИДЕНТ АСАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Касаба уюшмалари Самарқанд вилоят кенгашида навбатдаги семинар-ўқув бўлди. Ўқув Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ўрганишга, касаба уюшмаларининг асар ғояларини ҳаётга тадбиқ этиш борасидаги вазифаларига бағишланди.

Семинар-ўқувда китоб муаллифи илгари сурган ғояларнинг моҳияти хусусида Самарқанд вилоят «Олима» уюшмасининг раиси, тарих фанлари доктори, профессор Фотима Ҳайдарова тўхталди. Шунингдек, вилоят касаба уюшмалари кенгаши ходимлари Н. Украинцева, Э. Сатторов, А. Саимов ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

МЕРОС ҚАДРИ

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг Самарқанд шаҳар бўлими диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқда. Жамғарма таркибидаги иккита гуруҳ тарихий ёдгорликлар, қазилма топилмалар ва қўлёзмаларни таҳлил этмоқда.

Гуруҳлардан бирининг мутахассислари яқинда Бедил, Сўфи Оллоёрнинг ҳозиргача номаълум қўлёзма асарларини топишди. Жамғарма фаоллари айни пайтда Самарқанд шаҳрида миллий музей ташкил этишга ҳаракат қилишмоқда.

Р. ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Илҳом Энгин

ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Жаноблар мен фалон йили фалон шаҳарда таваллуд топдим. Лекин муҳими бунда эмас. Агарда дунёга машҳур бўлиб ўтганимда таржимаи ҳолимни мазмуни бутунлай бошқача бўлар эди. Ўз ўзидан маълумки, шундай машҳур кишининг таржимаи ҳоли кўпчилик томонидан ёзиларди. Шу сабабли туғилган жойим ва йилим ҳақидаги маълумотлар камида 5 хилда берилган бўларди.

Аслида эса мен бир маротаба туғилганман. Ва бу билан фахрланаман. Ўқишни ҳамма қатори бошланғич мактабда бошлаганман. Лекин, машҳур киши ўқишни бошқаларникидек бошлаши ачинарли ҳолдир.

Адабий лаёқатимни биринчи маротаба онамнинг помадаси ёрдамида дадамларнинг оқ кўйлакларида синаб кўрганман. Бу эса оила миқёсидаги ғавғога сабаб бўлди. Очиғини айтганда бу қилмишим менга қимматга тушди. Лекин машҳур кишининг ҳаётида юз берган шу каби майда чуйдаларни ҳисобга олмаса ҳам бўлади.

Ижод соҳасидаги кейинги уринишим бир сўз орқали намоён бўлди. Лекин у бошқа қилмишларим билан биргаликда таълим олишимнинг батамом тугатилишига сабаб бўлди. Қари қиз бўлган ўқитувчимизнинг фартугига бўр билан: «Сотилади!» — сўзини ёзганим учун олдинига у бечоранинг жаҳли чиқди сўнг йиғлади. Ушанда унинг кўз ёш қилишининг асл сабабини сира тушуна олмагандим. Лекин ҳозир ҳам тушуниб етганимча йўқ.

Шундай қилиб, мактабдан хайдалгач мен бўр билан ёғочли ва тош билан оқланган деворларга ёзадиган бўлдим. «Балли Ғалатасарой», «Баракалла Фенербоғча». «Яшасин Қоракартлар». Спорт шаҳрларидан сўнг деворий газетамнинг саҳифаларида шаҳарчамиз янгиликларига эътиборни кучайтирдим.

Маҳалламизнинг офати нури Мелихани севиши ҳақида ахборот берганимда тўс-тўполон кўтарилди. Ундан қалтак еганимдан сўнг газетанинг бош мақоласи жойлашадиган жойда «Нури — ҳайвон» умумий рукни остида бир қанча мақолалар чиқа бошлади. Лекин шундан сўнг ўйдан бутунлай чиқа олмай қолдим. Матбуот сабабли айбланиш мумкинлиги ҳақида биринчи хулосам эди. Бу тенгдошларим орасида «қўрқоқ» деб шармандаларча эълон қилинишимга сабаб бўлди. Бу лақаб шаҳарчамизда бошқаларидан анчагача устун бўлиб келди.

Шундай қилиб мен машҳур бўлиб қолдим.

Йиллар ўтди, улғайдим. Энди мамлакат миқёсида машҳур бўлиш навбати келганди. Шу сабабли мен Истанбулга кўчиб бордим.

Ёзувчилик касбимни оқлашим учун асарларимни газеталарда чоп этмоқчи бўлдим. Отландим, таҳририятга йўл олдим. У ерда иш ахтараётганимни маълум қилдим.

—Қўлингдан нима иш келади? — сўради бош муҳаррир.

Ёзувчилик соҳасида яхшигина тажрибам бор эканини маълум қилдим. Жиддий мурожаатимга қарамай, у синаш мақсадида бир нарса ёзишим лозим эканини айтди.

Ушанда мен биринчи ҳикоямни ёзиб бош муҳаррирга топширдим. Ундаги воқеалар мозорда бўлиб ўтарди. Асарда атиги икки ўлган киши тирилиб, икки тирилган киши эса ўларди. Ҳикоя на фойда ва на зиён келтирмаганига қарамай, бош муҳаррир, агар ўлдирилган биринчи киши ўлдирилмаганида, унинг хотини эса ўз хоҳишича у дунёга жунамаганида ва ҳодисалар мозордан бошқа жойга кўчирилганида эди, ҳикоямни дарҳол чоп этиши мумкинлигини айтди. Мен муҳаррир айтганларининг барини қилдим ва ҳикоя тез орада «Ҳеч нима» номи билан чоп этилди.

«Ҳеч нима»дан кейинги ҳикоям устида қизиқ воқеа содир бўлди. Уни ҳатто бир киностудиянинг директори сценарий учун сўради. У асаримга кичкинагина ўзгартириш киритди. Шаҳар барларидан бирида содир бўлган ҳикоямдаги воқеалар сценарийда қишлоқ масжидига кўчирилди. Режиссёрнинг дастидан барча каҳрамонларим ҳалок бўлди, ўзим аранг қутилиб қолдим. Шу сабабли мен бир ҳақиқатни англадим: барча қаҳрамонларини ўлдира оладиган ёзувчигина эсон-омон яшай оларкан. Мана мен, масалан, агар сценарий учун қалам ҳақини ола олсам, очликдан ўлишдан қўрқмай яшай олишим мумкинлигини тушундим. Шу билан биргаликда фақат тўлқинлантирувчи, биринчи галда севги-муҳаббатнинг энг ҳаяжонли дақиқаларини тасвирлайдиган асаргина одамларда қизиқиш уйғота олишини англадим. Шу сабабли мен тез орада «Одам ва Ҳавонинг сирли кундаликлари» асарини ёзишга киришдим.

Сиз бу ҳикояни топиб ўқийсиз деган умиддаман. Агар топа олмасангиз, унда жуда ачинарли ҳол бўлади, чунки у дунёдаги тенги йўқ дурдона асардир.

Ҳикоя ва сценарийлардан сўнг мен роман ёзишга киришдим. Миямда ватандош ёзувчиларини менсимайдиган ноширларни алдаш фикри туғилди. «Қундуз жонворининг сўнгги муҳаббати» романининг муаллифи сифатида чет эл ёзувчисининг исмини ўйлаб топдим, ўзимни эса унинг таржимони сифатида таништирдим. Ёмон бўлмади — қалам ҳақи учун — 500 лира тўладилар. Ношир ҳийлаларимни сезмайди деб ўйлагандим. Лекин бир оз вақт ўтгач, у ўша нусхага яна бир роман ёзишини буюришимни сўради.

Пул масаласида қийналиб қоладиган бўлсам, ҳозир ҳам ўша ғайридинга асар ёздириб, топган пулим эвазига аранг тириқчилигимни ўтказаман. «Бу яхши, лекин ўз нафсониятингни қандай қондирасан?» — сўрашингиз мумкин. Уни ҳам қойиллатаман — бошқа ғайриддиннинг романини турк тилига таржима қиламан-да ва ўз номимдан чиқараман.

М. ҒАНИЕВ таржимаси.

ФУТБОЛ

АКОПЯНЦНИНГ «ЎЧ»И

ЁКИ «ПАХТАКОР» КУБОК СОҲИБИ

Куни кеча «Пахтакор» марказий стадионида Ўзбекистон кубоги учун финал учрашуви бўлиб ўтди. Унда майдон эгалари пахтакорчилар Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси билан куч синашишди. Кубок мусобақалари низомига кўра финалга қайси командалар чиқишидан қатъий назар, мамлакатимизнинг бош ўйингоҳи аввалдан мана шу учрашув жойи этиб белгиланган. Шу боис, айрим мухлисларнинг «Пахтакор»га футбол мутасаддилари ён босишгани хусусидаги «айблов»ларига қўшилиб бўлмайди.

Дастлабки дақиқаларданоқ ҳар икки жамоа ғалаба қозонишнигина мақсад қилиб майдонга тушгани аниқ намоён бўлди. Ишқибозларни рақиблар ҳужумкор ўйин кўрсатишга интилишгани қувонтирди.

Биринчи бўлимда, умуман олганда, пахтакорчилар фаолроқ ҳаракат қилишди. Кўплаб ҳужумларда Миржалол Қосимов шерикларига ўрнак кўрсатди. Аммо... дастлабки тўпни фарғоналиклар дарвозага йўллашга муваффақ бўлишди. 15-дақиқада жарима тўпини «Нефтчи» ҳимоячиси Олег Князев моҳирлик билан дарвозанинг юқори чап бурчагига қойилмақом тарзда йўналтирганда мамлакатимиз миллий терма командаси асосий дарвозабони Павел Бугалонинг жонҳолатда ташланиши ҳам тошкентликларни голдан сақлаб қола олмади.

Кетма-кет ҳужумлар ниҳоят натижа берди ва 36-дақиқада жарима майдончасига ёриб кириб бораётган Миржалол Қосимовга қарши қўполлик учун учрашув ҳаками Сардор Нажафалиев меҳмонлар дарвозасига пенальти белгилади. Бунгача бир неча бор жуда мушкул вазиятларда маҳорат намойиш этиб, ўз дарвозаси даҳлсизлигини таъминлаб турган Георгий Забиров Азамат Абдураимовнинг зарбаси қаршисида ожизлик қилди. Ҳужумчи тўпни дарвозанинг пастки ўнг бурчагига йўллади, дарвозабон эса қарама-қарши бурчак томон ташланди. Командалар танаффусга 1:1 ҳисобини қайд этиб чиқиб кетишди ва кубок тақдирини ҳал қилиш ўйин охирига қолдирилди.

Финалнинг дастлабки дақиқаларида меҳмонлар бош мураббийси Юрий Саркисян ёш истеъдодли футболчиларга кўпроқ ишонч билдирган бўлса, иккинчи бўлимда тажрибали ака-ука Дўрмоновларни жангга ташлади. Аввалига Рустам Дўрмонов қизиққонлиги туфайли ҳакам томонидан огоҳлантирилди. Кейин Бунтовнинг хатосидан фойдаланиб, жарима майдончасига ёриб кириб борди ва Бугалони иккинчи марта ўз дарвозаси тўридан тўп олиб чиқишга мажбур қилди. 2:1 ҳисоби меҳмонларга кубокни олиб берадигандай туюлди. Чунки ўйин якунланишига ўн дақиқача вақт қолган эди. Асосий вақтнинг сўнгги дақиқаларида эса Рустам «Пахтакор» жарима майдончасидаги қўполлиги учун майдондан четлатилди. Бундан сал аввал пахтакорчиларнинг кескин ҳужуми пайтида Бунтов, Микляев ва яна Бунтов берган зарбалардан сўнг ҳал қилувчи нуқтани ёш ҳужумчи Андрей Акопянц қўйди ва ҳисобни тенглаштирди — 2:2. Шу заҳотиёқ мухлисларнинг ёдига ўтган йили финалда пенальтилар баҳсида айнан Андрей гол уролмай команданинг майдондан бош эгиб чиқиб кетишига сабабчи бўлгани тушди.

Тўқсон дақиқа орани очиқ қилишга етмагани боис Сардор Нажафалиев қўшимча вақт белгилашга мажбур бўлди. «Нефтчи» майдонда ўн киши бўлиб ҳаракат қилди. Агар асосий вақтда йўл қўйилган хатони тузатиш имкони мавжуд бўлса, қўшимча вақтда дарвозага киритилган тўп кубок низомига биноан ўйинга якун ясаши шундай ҳам таранг тортилган асабларни янада мушкул аҳволга солиб қўйди. Ташаббус кўпроқ «Пахтакор» қўлида бўлди. Бунтов, Акопянц қулай вазиятлардан туриб дарвозани ўққа тутишди. Қарши ҳужум вақтида фарғоналиклар жуда қулай имкониятни қўлдан чиқаришди. Ҳал қилувчи паллада омад Асад Дўрмоновдан юз ўгирди. У яқин масофада туриб, деярли бўш қолган дарвозага тўпни йўллай олмади. Кейинроқ Миржалол Қосимов Азамат Абдураимов узатган тўпни дарвозага киритиши мумкин эди. Ниҳоят, ҳамма ўн бир метрликларни кутишни бошлаганда яна ўша Андрей Акопянц Темур Ҳамидов ва Георгий Забировнинг хатосидан фойдаланиб, «олтин» тўп муаллифи бўлди.

«Пахтакор» иккинчи марта кубок соҳиби бўлди ва келгуси йили Осиё мамлакатлари кубок эгалари кубоги учун баҳсларда ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Биз жамоа аъзоларини, уларнинг кўп сонли ишқибозларини ушбу ғалаба билан муборакбод этиб, келгуси мавсумда янада улкан зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.

М.ТЎХТАМИРЗАЕВ

ҚУТЛОВ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти «Тарих ва ҳуқуқ» кафедрасининг мудири ҳурматли Искандар Самандарович Ҳайитов!

Сиз ҳассос олим, талабаларга меҳрибон устоз, ғоявий раҳбар, моҳир тарбиячи сифатида элга танилгансиз.

Биз Сизни 50 ёшга тўлишингиз муносабати билан қутлаймиз. Ҳамиша тинчлик-омонлик, оилангизга сиҳат-саломатлик тилаймиз.

А.ҚОЗОҚБОЕВ, Ҳ.АҲРОРОВ

Азиз отажонимиз Собитхон МИРЗАЕВ!

Сизни табаррук 72 ёшингиз ила самимий қутлаймиз. Бахтимизга ҳамиша соғ-омон, яхши кунларимизда бизга бош бўлиб юришликни Аллоҳ насиб этсин.

Оила аъзоларингиз, фарзандларингиз ва невараларингиз номидан

НИГОРА.

Тошкент шаҳри.

"ПГС" фирмаси қуйидагиларни сотиб олишни таклиф этади:

КИЧИК НОВВОЙХОНАЛАР (4 хилдаги: соатига 160,80,32 ва 8 буханка нон пишириш қувватига эга)

ЭЛЕКТР КАЛОРИФЕРЛАР, ОШХОНАЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ПЛИТАЛАРИ, САУНАЛАРНИ ИСИТИШ УСКУНАЛАРИ

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри С.Раҳимов метро бекати. Тел: (3712) 79-14-29, 79-38-54.

«Ишонч» газетасига обуна давом этмоқда!

Севимли газетамизни 1998 йил мобайнида ҳам узлуксиз олиб ўқишни истасангиз, унга обунани расмийлаштиришга шошилинг! Республикамиз ҳар бир фуқаросининг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларига хизмат қилувчи «Ишонч» газетаси ижодий жамоаси келгуси йил ҳам Сиз - азиз юртдошларимиз ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилади.

Азиз муштарийлар! Яна бир хушхабарни эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз: Келгуси йилдан газетамизнинг шанба сонлари қўшсаҳифали илова билан чиқа бошлайди. Унда Сиз Ўзбекистон телевиденеси дастурлари билан бир қаторда Россия, Қозоғистон теледастурларини, қизиқарли реклама ва тижорат материалларини ўқиб борасиз.

Бир йиллик обуна бўйича каталог баҳоси:
Якка обуначилар учун - 864 сўм.
Ташкилотлар учун - 1176 сўм.

ЭСЛАТМА: Ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳрида каталог баҳосига алоқа хизмати ҳақи ҳам қўшилади.

Миробод тумани "Элемакс" масъулияти чекланган жамияти фаолияти ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Телефон:76-84-53

Юнусобод тумани "Давлатбек Ш.Ш" хусусий фирмаси фаолияти ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Телефон: 23-06-04

Тошкент шаҳридаги «Ҳаракат- Омад» масъулияти чекланган жамияти банкрот эълон қилинганлиги муносабати билан ТУГАТИЛАДИ.

Тула маълумот учун Ўзтадбиркорбанк Амалиёт бошқармасига мурожаат қилинади.

Телефон: 136-28-12, 133-05-48.

Ҳайрон бўлманг, кўриб турганингиз ҳақиқатан ҳам икки бошли илон! Бундай ажойиботларни бувиларимиз сўзлаб берган эртакларда эшитардик. Юқоридаги уч ойлик илонни Шри Ланканинг чакалакзорларидан тутишган. Мутахассисларнинг гувоҳлик беришларича, илоннинг иккала боши ҳам, бутун танаси ҳам нормал ишлаяпти.

Бу ғайри-табиий жонивор ҳозир Коломбодаги ҳайвонат боғида мутахассислар назоратида сақланмоқда.

«Ишонч» газетаси таҳририяти жамоаси таниқли журналист, олим, газетамизнинг фаол муаллифларидан бири **Гуломжон ҒОФУРОВнинг** бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир : Саидакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Л.ГУЛЬ, Э.ЁҚУБОВ, Ф. МУЛЛАЖАНОВ, М. ОТАҚУЛОВ, А.СИЛЕЕНКОВ, А.СУЛТОНОВ, М.ТУЛАҒАНОВА, Р.УБАЙДУЛЛАЕВА, Б.УМУРЗОҚОВ, А.ФАРМОНОВ, Ф.ҲОЖИҚУЛОВА, Ҳ.ШАЙХОВ, Ф.ШОҲИСМОИЛ, З.ҚОДИРОВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78

БУЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр қурсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январ да Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4 1—уй. Буюртма Г— 0756. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 21.00. Масъул навбатчи : Будир ПЎЛАТОВ 1 2 3 4 5 6